


ДОНИЁР МИРЗО

БАХТ БЕШИГИ

Шеърлар



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2007



Ушбу тўпламга шоирнинг аллақачон қўшиқ бўлиб эл оғзига тушган, давраларда ёддан ўқилаётган шеърлари билан бир қаторда табиий ва самимий руҳ уфуриб турган янги шеърлари ҳам жамланган.

«Оқкушгинам» номли илк шеърий тўплами орқали кўпгина мухлисларнинг зътиборини қозона олган Дониёр Мирзо янги «Бахт бешиги» билан уларни янада хушнуд этади, деб ўйлаймиз.

Муаллиф ушбу китобнинг нашр этилишида маънавий ҳамда моддий кўмагини аямаганлиги учун «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси раҳбариятига самимий миннатдорчилик билдиради.

10 32914
29.

ISBN 978-9943-08-045-4

© Д.Мирзо, «Бахт бешиги», «Янги аср авлоди», 2007

2022

Allsher Navciy
nomidagi

A10240'zbekiston MK

*Бу китобни кўпгаб алломалар, фозилу фузалолар, олиму
ижсадкорлар бешиги — қадим Қашқадарёнинг юраги,
фахри Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига багишладим.*

Муаллиф

ЖАННАТ ЭЛИМ

Одам бахтли бўлар ўғил-қизи билан,
Дастурхони тўла нону тузи билан,
Ҳамма кўрсинг гўзал юртим кўзи билан,
Жаннат элим, жаннат бўлиб гуллайверар,
Худо ўзи бундай юртни қўллайверар.

Фарзандларин ҳеч кимсадан ками йўқдир,
Юртсиз эмас, юрагида ғами йўқдир,
Болаларин эртасидан кўнгли тўқдир,
Жаннат элим, жаннат бўлиб гуллайверар,
Худо ўзи бундай юртни қўллайверар.

Бу Ватанда чирой очган гуллар азиз,
Юртбошимиз қурган қўприк, йўллар азиз,
Жаҳон ичра ўзбек деган эллар азиз,
Жаннат элим, жаннат бўлиб гуллайверар,
Худо ўзи бундай юртни қўллайверар.

Чегарасин қўриқлагай посбонлари,
Кўнглидай пок, мусаффодир осмонлари,
Фидо бўлса ачинмайди гар жонлари,
Жаннат диёр, жаннат бўлиб гуллайверар,
Худо ўзи бундай юртни қўллайверар.

ҮЛАН

Артай ёшинг, кўйлагимнинг енги билан,
Ҳар ким баҳтли, бўлар экан тенги билан,
Айтилганда тўйинг қуни ёр-ёр, үлан,
Кечир жоним ортга сенсиз қайтолмадим,
Тўйинг қуни битта ёр-ёр айтольмадим.

Суянгандим суянчиғдай диёнатга,
Дил дош бермас, кўз кўрган бу хиёнатга,
Кўнгил тўлиб кетди мана минг фарёдга,
Армоним шул, ортга сенсиз қайтолмадим,
Тўйинг қуни битта ёр-ёр айтольмадим.

Севар ёринг айвонларин қаср этмиш,
Бойлик кўнгил кўзларини басир этмиш,
Молу дунё ишқи сени асири этмиш,
Кечир жоним ортга сенсиз қайтолмадим,
Тўйингда мен битта ёр-ёр айтольмадим.

Энди ўша ёринг билан баҳтли бўлгин,
Мени ўйлаб йиғламагин, ўйнаб-кулгин,
Тўй оқшоми юзларингни кўриб сўлғин,
Армоним шул, ортга сенсиз қайтолмадим,
Тўйинг қуни битта ёр-ёр айтольмадим.

Юрак йиғлар, ёнингта мен борай десам,
Сўнгти бора юзингга бир қарай десам,
Алам билан ўз бошимни ёрай десам,
Армоним шул, ортга сенсиз қайтолмадим,
Тўйинг қуни битта ёр-ёр айтольмадим.

ХАЁТ БЎЛСАЛАР

Юрагингда ғаминг бўлмайди,
Чораси йўқ, даминг бўлмайди,
Ҳеч кимсадан каминг бўлмайди,
Ота-онанг ҳаёт бўлсалар.

Юрадирсан қаддингни кериб,
Даврида сен давронлар суреб,
Ўйнаб-кулиб, кўксингга уриб,
Ота-онанг ҳаёт бўлсалар.

Юрагингда бўлмайди гинанг,
Сени дуо қилганда энанг,
Ҳам Маккаю-мадинагинанг,
Ота-онанг ҳаёт бўлсалар.

Кўзларининг нури сеники,
Қалбларининг қўри сеники,
Дуоларнинг зўри сеники,
Ота-онанг ҳаёт бўлсалар.

Бирон сендан қидириб айб,
Соф дилингни қилолмас майиб,
Қолмагайсан сира мунрайиб,
Ота-онанг ҳаёт бўлсалар.

Ёмонлардан йироқроқ кетгили,
Умр бўйи яхшилик эттил,
Сен уларнинг қадрига еттил,
Ота-онанг ҳаёт бўлсалар.

Ўз элингда эрка бўлиб қол,
Қалбингта сен иймон нурин сол,
Дониёр Мирзо дуосини ол,
Ота-онанг ҳаёт пайтида.

ЭРКАТОЙ

Эркәммисиз, эркатоймисиз,
Ё осмондан тушган оймисиз.
Кеча менинг тушимга кирган,
Пари қомат Гулчироймисиз.

Эркәммисиз, эркатоймисиз,
Киприги ўқ, қоши ёймисиз.
Кийик нигоҳ, қалдирғоч қомат,
Назокатли бир ҳумоймисиз.

Эркәммисиз, эркатоймисиз,
Күкси қайноқ Моҳлароймисиз.
Малоҳатда Лайлидан ортиқ,
Гүзаликка шунча боймисиз.

Эркәммисиз, эркатоймисиз,
Қирғори йўқ, тошқин соймисиз.
Баҳор билан бўйлашиб юрган,
Кўқдан тушган тўлин оймисиз.

Эркәммисиз, эркатоймисиз,
Ё осмондан тушган оймисиз.
Кеча менинг тушимга кирган,
Пари қомат Гулчироймисиз.

АЛВИДО

Менинг юрагимдан бир нидо севгим.

Сенга битта жоним, минг фидо севгим.

Менинг бахтсизлигим, менинг бахтимсан,

Алвидо севгилим, алвидо севгим.

Иккимизни ҳеч ким кўролмадилар,

Йўқ бўлса бор қилиб беролмадилар,

Ҳатто ҳолимизни сўролмадилар,

Алвидо севгилим, алвидо севгим.

Тарихга айланар балки отимиз,

Музейни тўлдириб туарар хатимиз,

Армонга айланди муҳаббатимиз,

Алвидо севгилим, алвидо севгим.

Насиб этса бир кун, биз учрашамиз,

Ҳозирча шу ерда хайрлашамиз,

Беҳиштда ҳам бахтдан тўлиб-тошамиз,

Алвидо севгилим, алвидо севгим.

ВИДОДОШИМ

Бугун руҳсиз, илинжсиз сабр,

Видодошим, видо айтдингиз.

Жонга азоб қилган-чун жабр,

Кулиб келиб, йиглаб қайтдингиз.

Менга ҳам бир битилганми ҳеч,

Атай қилиб битган байтингиз.

Йиғлайверманг, гулим, эрта-кеч,

Борми яна кулар пайтингиз.

ТАНБУР

Оҳанглари сўнмас наводур,
Ноласига тенгмас, шода-дур,
Минг бир дардга малҳам, даводур,
Юракларни титратган танбур.

Сенда кўпdir, сиру-синоат,
Тинглаганлар қилолмас тоқат,
Пок қалбларда яшайсан фақат,
Булбулларни сайратган танбур.

Зўр оҳанглар овозидирсан,
Гўзал қизлар дил розидирсан,
Фаттоҳхоннинг хуш созидирсан,
Кўнгилларни яйратган танбур.

Навоийнинг ноласига ҳам,
Жўрахоннинг боласига ҳам,
Фузулийнинг воласига ҳам,
Гувоҳ ўзинг хуш наво танбур.

ШЕВА

Юнусобод – Шаҳристон,
Сирдарёда Гулистон.
Менинг учун гул макон,
Она юрт Ўзбекистон.

Хоразмнинг Хиваси,
Ажойибdir шеваси.
Ҳовва ҳозир, не ера,
Хоразмшоҳ беваси.

Чироқчининг чироғи,
Болиш бўлар қироғи.

Сулув суйсанг Чиялдан,
Жомон экан фироғи.

Кўқдаланинг жийдаси,
Отга емиш бийдаси.
Йўлга қараб энамнинг,
Қотиб кетган дийдаси.

Шаҳри Кешда Оқсарой,
Сурхондадир Олтинсой.
Андижонда Асака –
Интиқ менга ҳойнаҳой.

Наманганда бор Нанай,
Луттингдан мен айланай.
Тошкандачи, аннақа...
Бўвотти ишлар қалай?

Қашшидан келайчийдим,
Ҳар нени билайчийдим.
Оллим-бўллим, энни деса,
Маза қип кулайчийдим.

Жўқ жигилиб жилама,
Вотти десанг бўлама.
Қайсар қирғий сенга ҳам,
Оға-ини бўлама.

Таёқ жесанг тоғангдан,
Тоғанг олса жоғангдан.
Ининг исминг билмаса,
Нолимагин оғангдан.

Ҳар шева ўзига хос,
Мазах қилма илтимос,
Шева ҳам ўзбекона,
Ҳаммаси ўзига мос.

ЮРАК

Таъмир талаб юрагим менинг,
Дилни қонга белаб ётибди.
Виждон бунда, жигилдон унда,
Ошқозоним қулаб ётибди.

Таъмир талаб юрагим менинг,
Қалбда қат-қат гардга кўмилган,
Гўё қотил қилич сингари,
Қон жигарим дардга чўмилган.

Таъмир талаб юрагим менинг,
Дил қаърига бандидир сирим.
Гар ўргада бурун бўлмаса,
Икки кўз ҳам ўяр бир-бирин.

Таъмир талаб юрагим менинг,
Оч ичаклар эшилиб кетган.
Шўртаъм тузга тўлиб буйрагим,
Қораталоқ тешилиб кетган.

Таъмир талаб юрагим менинг,
Шароб бўлса канда қилмайман.
Бурда нону, қултум сув бўлса,
Биласанки, очдан ўлмайман.

ШАЛОЛА

Нозли боқар кўзингга,
Кирмайди ҳеч сўзингга.
Қулоғингни тут укам,
Айтиб қуяй ўзингта.

Жилмаяди, кулади,
Юзи ойдай тулади.
Хафа бўлма эй, укам,
Ҳадемай тўй бўлади.

Шалоланинг сози бор,
Кўнгил тўла рози бор.
Шуни билки, жон укам,
Қиз боланинг нози бор.

Хаёлингни олади,
Юракка ўт солади.
Чимилдиғда сулув қиз,
Келин бўлиб қолади.

Чарос экан кўзлари,
Қопқорадир қоши ҳам.
Айни сенга мос экан,
Ўн олтида ёши ҳам...



БИНАФША

Оқ қорларга кўмилган,
Ёмғирларга чўмилган,
Менинг орзуим бўлган,
Бинафшажон, бинафша.

Тилинг йўқ, йўқ оҳ-воҳинг,
Бўлмаса ҳам гуноҳинг,
Синибди битта шоҳинг,
Бинафшажон, бинафша.

Оғир эмас, енгил бўл,
Куймаган бир кўнгил бўл,
Менга эрка сингил бўл,
Бинафшажон, бинафша.

Ёрув бўлсин гул-юзинг,
Сувга етсин илдизинг,
Қизғалдоқ сенинг қизинг,
Бинафшажон, бинафша.

Билмай бир гуноҳингни,
Тингламай оҳ-воҳингни,
Ким синдириди шоҳингни,
Бинафшажон, бинафша.

Армон надир билмайсан,
Кимларга баҳт йўллайсан,
Ҳар баҳорда гуллайсан,
Бинафшажон, бинафша.

Оқ қорларга кўмилган,
Ёмғирларга чўмилган,
Ялпизга сингил бўлган,
Бинафшажон, бинафша.

ФУСУНКОР

Олисдан кузатди, кўрди синчиклаб,
Абгора кўксини бўридай тиклаб.
Оғринди, ўксинди, эплай олмади,
Дунёнинг юкини елкага юклаб.

Дунёсин қўйнига сопкетолмади,
Ё қаср уйида қопкетолмади.
Умрининг сўнгида нариги дунёга,
Кафандан бўлагин опкетолмади.

Оқилга бир тишлам нон ҳам етарли,
Фусункор гадодай, қақшаб ётар у.
Бунда бирорларга ўхшамаса ҳам,
Унда Искандарга ўхшаб кетар у.

ТАФАККУР

Ишонганинг ишончингни оқламаса,
Бирор марта оч қорнингни тўқламаса,
Бошинг ёстиқ қучган куни йуқламаса,
Дуст танлашни билмабсан сен, ўзингдан кўр,
Бу ақлсиз бошингни сен, тошларга ур.

Номозшомгул ўғирласа хаёлингни,
Дўст деганинг, алдаб юрса аёлингни,
Душманларинг кўриб йиғлар бу ҳолингни,
Ҳеч нарсани кўрмаган кўр, кўзингдан кўр,
Энди юмуқ кўзларингни очиброқ юр...

Ҳеч нарсага етмай қолса тафаккуринг,
Кенг жаҳонга достон бўлса инжа сиринг,
Кексайганда суюнч бўлар ўз кампиринг,
Қўлларин ўп, юзингга сур, кўзингга сур,
Аёлингнинг пойига сен, бошингни ур.

АФСОНА

Хоразмда, Тошканда,
Ёш ўттиздан ошганда,
Кўриб ақлинг шошганда,
Севгим бўлди афсона.

Кўргил менинг шаҳдимни,
Ҳеч бузмадим аҳдимни,
Энди топдим бахтимни,
Севгим бўлди афсона.

Севиб, севгим оширган,
Дарё мисол тоширган,
Севгилимдан яширган,
Севгим бўлди афсона.

Сенинг севгинг моҳона,
Менинг ишқим шоҳона,
Билсанг икки жаҳона,
Севгим бўлди афсона.

Достон бўлиб тилларда,
Мажнун кезган чўлларда,
Ўзбек деган элларда,
Севгим бўлди афсона.

Битта жони фидоман,
Ишқ йўлида гадоман,
Сени дея, адоман,
Севгим бўлди афсона.

ШУКРОНА

Шукр, менга қиз бердинг Аллоҳ,
Ризқ-насиба, туз бердинг Аллоҳ.
Раҳматини айтгали менга,
Шириң калом, сўз бердинг Аллоҳ.

Ўзинг асра энди қизимни,
Элда ёруғ қилгил юзимни.
Умрини Сен, зиёда қилгин,
Ортда қолар, эрка қизимни.

Менинг шириң қизалоғим у,
Эркатойим, дил ардоғим у.
Қувончларга кўнглим тўлдирган,
Ишқ борида қизғалдоғим у.

Кўз тегмасин, кўзтумор бўлай,
У яйраса, қувонай, кулай.
Қизалоғим, кўзмунчоғимнинг,
Кўлларидан етаклаб юрай.

Аллоҳ, менга қиз бердинг Аллоҳ,
Ризқ-насиба, туз бердинг Аллоҳ.
Раҳматини айтгали менга,
Бир калима, сўз бердинг Аллоҳ.

БОЙ КҮЁВ

Оқ рўмолинг тул-юзингни ёпган экан,
 Бой күёвни отанг ўзи топган экан,
 Бой күёвнинг омади бир чопган экан,
 Мени ташлаб, бегонага тегиб кетдинг,
 Менинг мағур бошимни сен, эгиб кетдинг.

Севишимни сен билардинг, синглинг билан,
 Чимилдиғда бўзлар севгим, кўнглинг билан,
 Янгаларинг айтган куни ёр-ёр, ўлан,
 Мени ташлаб, бегонага тегиб кетдинг,
 Менинг йигит бошимни сен, эгиб кетдинг.

Биламанки, юрагингда ўзим борман,
 Сен ўзгага, мен ҳам ўзга қизга ёрман,
 Лабларингдан "битта ўпич" қарздорман,
 Мени ташлаб, бегонага тегиб кетдинг,
 Менинг мағур бошимни сен, эгиб кетдинг.

ЧИҚҚАН ҚИЗ

Чириқдан ташқаридир чиққан қиз,
 Айблимиmdir онаси ой туққан қиз.
 Айби шулки, буни яхши биламан,
 Сал таннозлик, онасидан юққан қиз.

Кечалари бошга ботса болиши,
 Чимилдиғда ярашгайми нолиши.
 Бу дунёда катта гуноҳ шу бўлади,
 Илк оқшомда ёрнинг ёлғиз қолиши.

Гоҳ нозланиб супирмаса ҳовлингизни,
 Таннозланиб ўтказса ҳам, ёзу-кузни.
 Келиндан кўп нолийверманг ҳали сизга,
 Туғиб берар уч-тўрт ўғил, уч-тўрт қизни.

ДҮСТ БҮЛЛОЛМАЙДИ

Дүстингман дер,
Дүстинг бўлолмас,
Тузингни еб, йўлидан қолмас,
Дунё топса саломинг олмас,
Фаним асло, дўст бўлолмайди.

Сен туфайли бойишни ўйлар,
Кинояли, койишли сўйлар,
Аъзанг куни қилади тўйлар,
Фаним асло, дўст бўлолмайди.

Қувончингдан ёлғон кулади,
Гар қоқилсанг мазза қилади,
Сенга рақиб, "душман" бўлади,
Фаним асло, дўст бўлолмайди.

Ночор пайти пойингни ўпар,
Бойиб кетса, тепкилар, тепар,
Нокасларнинг йўлидан кетар,
Фаним асло, дўст бўлолмайди.

СОЧ

Сочинг узун бўлса, тарасанг-урсанг,
Юлдузга бўй чузиб, қарасанг-кулсанг.
Тонг чоғи зуҳрога термулиб-боқиб,
Мен ғарид ошиққа жилмайиб қўйсанг.

Сочинг узун бўлса, тарасанг-урсанг,
Жоним қучофимда эркалаб турсанг.
Юзингдан бўсалар олмоқчи бўлсам,
Эркалаб ноз қилиб, юз буриб турсанг.

ДУХТИР

(ҳазил)

Тиш духтирга учрасанг,
Хира қиласар дилингни.
Оғриқ тиш четда қолиб,
Юлиб олар тилингни...

Дорифуриш дүстинг-чи,
Сиқиб сүзлар қўлингни.
Қирқта дори олмасанг,
Тунда тўсар йўлингни.

Травматолог қачондир,
Синдиради белингни.
Ёқиб синиқ суягинг,
Пулга сотар кулингни.

Жарроҳлар-чи, жарроҳлар,
Шилиб олар терингни.
Аввал сендан пул олиб,
Кейин тунар эрингни.

Ҳозир туғриқхонага
Пулсиз борсанг бўғади.
Соққасин берсанг духтири
Қўшилишиб туради.

Кўз духтири тангага
Эшийтмайди сўзингни.
Кўкидан қистирмасанг
Ўйиб олар кўзингни.

Текин бўлса ҳамшира
Қулоқ солмасвойингга.
Игна тиқар атайлаб
Тўғри нозик жойингга.

Бош шифокор шундай, дер
Ари есин, асалинг.
Диагнозинг ёмон-ку,
Оғир экан касалинг.

Қулоқ дұхтириң қулоғинг
Көвлайвериб жар қилар.
Хафта ўтмай қулоғинг
Бир амалдаб кар қилар.

Шифокорнинг олдида
Гоҳ билмасдан ўрнингни.
Тортаверсанг пиққиллаб
Кесиб ташлар бурнингни.

Ошқозонинг ювдирсанг
Дұхтирга касал чоғинг.
Жигілдонга йўл очиб
Тешиб қўяр томогинг.

Дұхтирларга пул бериб,
Тугамасин пулларинг.
Дониёр Мирзо шеър ёзиб
Синиб қолсин қўлларинг.

ЎҚИ БОЛАМ

Алишернинг қўлига китоб,
Тутиб устоз уқтириб дерлар:
«Ўқи, болам, ўқигин фақат
Бу – билимнинг чеки йўқ», дерлар.
«Билим олтин керакли тошдек,
Қанча бўлса, юки йўқ», дерлар!!!

ҚҮРҚАМАН

Тилим ёмон қүрқаман
Бу сұксиз тилимдан.
Балки омон қоларман
Занжирланган зулмдан.

Ҳатто қүргөн қурилса
Күйиб кеттган кулимдан.
Үлим жазо берилса
Чүчимайман үлимдан.

Адирларда адашсам
Илон чиқар йўлимдан.
Ёр лабини тишласам
Чаён чақар тилимдан.

Кимдир мендек осийни
Ясар лойдан, елимдан.
Бир куни шундай хаёл
Ўтиб қолди дилимдан.

Чўктирингиз дарёга
Силкилаб ўнг қўлимдан.
Сўнг қутқаринг аямай
Тортиб-тортиб тилимдан.

Асо асло керакмас
Қувват кетса белимдан.
Тилинг ёмон, деб мени
Айирмангиз элимдан.

ОНАЖОН

Менинг гулдай ҳаётимга
 Сиз безаксиз онажон.
 Меҳр билан оқибатга
 Этизаксиз онажон.
 Умр йўқdir, бу дунёда
 Кеч кузаксиз онажон.
 Онажоним, умрингизни
 Мен худодан сўрайман.
 Ўзим баҳтман, бошдан-оёқ
 Сизни баҳтга ўрайман.

Ором олсам кўксингизга
 Бошим қўйиб онажон.
 Дилим завққа тўлиб кетар
 Кўнглим ийиб онажон.
 Қорачиғда асрагайман
 Сизни суйиб онажон.
 Онажоним, умрингизни
 Мен худодан сўрайман.
 Ўзим баҳтман, бошдан-оёқ
 Сизни баҳтга ўрайман.

Онажоним, пойингизга
 Гул-поёндоз тўшайман.
 Сиз ёнимда бўлмасангиз
 Сизсиз қандоқ яшайман.
 Худо берган умрингизга
 Ўз умримни қўпшай ман.
 Онажоним, умрингизни
 Мен худодан сўрайман.
 Ўзим баҳтман, бошдан-оёқ
 Сизни баҳтга ўрайман.

СУРМАЛИ ҚИЗ

Зар күйлаги бурмали қиз,
Узун сочи ўрмали қиз.
Күз ёшингта чўкиб кетай,
Мовий кўзи сурмали қиз.

Таъми қолди тишлагандим,
Биттагина олчасини.
Яна битта тишлаб олсам,
Юзидаги холчасини.

Тунда тўсиб йўлларини,
Аста тутиб қўлларини.
Ором олсам ҳани эди,
Кучиб нозик белларини.

Кўзга сурма суриб олган,
Юрагимдан уриб қолган.
Нозик белин қучганимда,
Мени ёмөн кўриб қолган.

МЕРОС

Ишқим осмонида яшаган малак,
Кел, ҳокингни ўпиб қилайин сажда.
Юрагим ҳаприқар орзу бир ҳалак,
Гумроҳлар муждаси шому саҳарда.

Кўзим куртагида булут шарпаси,
Майсалари маскан бўлгани ростдир.
Она ернинг азал буғдой арпаси,
Одамга одамдан мангу меросдир.

ҚАШҚАДАРЁ

Тўпалонзор эски тор кўча,
Тафти қайноқ нури-зиёнинг.
Ҳиди келар онамни қучсам,
Тупроғи пок Қашқадарёнинг.

Ўғлонлари Алпомиш келбат,
Барчинларин недан ками бор.
Янтоғини тишласанг албат,
Яхнасининг болдек таъми бор.

Ўркач-ўркач тўлқинлари ҳам,
Сирли бўлар бошқа дарёнинг.
Иси келар боламни қучсам,
Тупроғи пок Қашқадарёнинг.

РЎШНОЛИФ

Кўрмагайман балки рўшнолиф,
Дилозори ўқинар сабот.
Қорачигга қадалганча тиф,
Хаёлимга келасан бот-бот.

Фарзандига меҳр бермоғлик,
Гарчи ота-оналарга хос.
Одам Ато Момо Ҳаводан,
Бу агадул бизларга мерос.

Ҳақ яратган иккисини ҳам
Йўқ эдию, ота-онаси.
Ажабтовур Алпомиш келбат,
Бори-йўғи икки боласи...

АЙЛАНМАСАЙДИ

Қарғалар қағиллаб, куйлаб турсалар,
Тилсиз тулкилар ҳам, сўйлаб турсалар,
Қашқирлар қирғийни, ўйлаб юрсалар,
Булбуллар тилсизга айланмасинлар,
Қарғалар куйлашга шайланмасинлар.

Мушукни қўриқлаб, юрсалар сичқон,
Калхатга тенг эмиш, митти зағизғон,
Бу ҳолдан овчининг, юрак-бағри қон,
Қарғалар куйлашга шайланмасинлар,
Булбуллар зорчага айланмасинлар.

Йўргагингдан истеъдодинг бўлсин экан,
Ундан аввал халқнинг кўнгли тўлсин экан,
Ҳар ким қўлдан келганини қилсин экан,
Қарғалар куйлашга шайланмасинлар,
Булбуллар зорчага айланмасинлар.

Бир ёнда қассобу, косиб, дурадгор,
Кимнингки, кўнглида ўт бор, олов бор,
Бу ёнда Мирзолар юрса беозор,
Косиб шеър ёзмоққа шайланмасинлар,
Қарғалар булбулга айланмасинлар.

Ким султон, ким ҳақон, ким санъат пири,
Кўпдир биз билгану-бilmаган сири,
Тўйдаги озгина қистир-қистири,
Тилсиз қарғаларни куйлатиб қўйди,
Бу азоб булбулни ўйлатиб қўйди.

Тўйга деб, халқ келса анча нози бор,
Айтинг, қай бирининг қўлда сози бор,
Ўзича ҳофиз кўп, бир норози бор,
Қарғалар куйлашга шайланмасин ҳеч,
Зорчалар булбулга айланмасин ҳеч.

Осмон, осмон бўлар, ер бўлолмайди,
 Аёл эркак эмас, эр бўлолмайди,
 Ҳамма Шералимас, Шер бўлолмайди,
 Қарғалар куйлашга шайланмасайди,
 Булбуллар зоғчага айланмасайди.

ОПАЖОН

Жон опам, жоним опам,
 Тугамас, тўй ташвиши.
 Қанчалар чарчаса ҳам,
 Бировнинг бўлмас иши.

Завққа тўлсин бу диллар,
 Кулиб қувнанг, даврада.
 Қўни-қўшни қариндош,
 Бўлиб ўйнанг даврада.

Жон-жон, опажон,
 Ўйнанг-ўйнанг опажон.
 Мен шўх-шўх куйлайин,
 Ўйнанг-ўйнанг опажон.

Шодлик куйган дилдаги,
 Ҳасратларни аритар.
 Қайғу-алам ҳар кимни,
 Қирққа кирмай қаритар.

Ўтиб кетар бу кунлар,
 Асло умр тўхтамас.
 Бу куннинг ўз завқи бор,
 Ҳеч бирига ўхшамас.

РАШК

(Нилуфар Раҳматованинг
номидан ёзилган.)

Айвонимни тўлдирган,
Гулдай сўлим.
Кўкни нурга тўлдирган,
Ой ҳам тўлин.
Пойламанг кўп бегона,
Қизлар йўлин.
Рашким келар тутсангиз,
Ўзга қўлин.
Ойдин оқшом кечалар,
Ишқсиз юрак бўлмайди.
Шайдолар кўп нечалар,
Асло кўнгил тўлмайди.
Дилда қанча орзулар,
Қалбда не бор билмайсиз.
Оҳ, кўнгил сиздан тўлар,
Сиз-чи, парво қилмайсиз.
Икки кўзда яширин,
Муҳаббатнинг сирлари.
Ишқдан хабар берар ёр,
Сизга кўзим нурлари.
Сизга қандай айтайин,
Юрак тўла сир бўлса.
Дилда кўп орзуларим,
Фақат сиздан дил тўлса.

МОДА

Мини юпка кияр қизлар,
Сендан рухсат сўрамайди.
Елка очиқ, шим кияди,
Асло рўмол ўрамайди.

Дангалми ё танбалмидир,
Соч кесишин билолмайсан.
Қорни очиқ юрса ҳам-ки,
Сен ҳеч бало қилолмайсан.

Сал гапирсанг йиғлайвериб,
Босолмайди ўпкасини.
Бир қаричдан сал калтароқ,
Кийиб олиб юпкасини.

Ишқибоздир, гўё улар,
Кийимларнинг "додасига".
Гуркираб ўт тушиб кетсин
Янги чиққан модасига...

СЎҚҚАБОШ

Кечагина туғилган эдим,
Энди эса ўттизда ёшим.
Ёлғиз ўзим яшаяпману,
Кун кўролмай қотади бошим.

Яшаш тарзим шоҳона эмас,
Назаримда анча ёшдирман.
Ошиқ бўлиб кўрмаганим-чун,
Ўттизда ҳам сўққабошдирман...

КУНДОШЛАР

(Азиза Ниёзметованинг
тилидан ёзилган қўшиқ.)

Кундошим ноз этади,
Тинмай пардоз этади.
Аслида бир ёр бизнинг,
Иккимизга етади.

Келишганга кенг дунё,
Талашганга тор дунё.
Бўлса эди ҳанийди,
Битта ёри бор дунё.

Нақорат:
Вой-вой бошим, вой бошим,
Ошимга тушган тошим.
Ўргилай ўлган кунимдан,
Ўзим сиздан кундошим.

Аслида иккимиз ҳам,
Қўшқанотмиз бир қушга.
Қисматимиз ўхшамас,
Зайнаб билан Кумушга.

Ишқ иши, қийин экан,
Гулдай нозик, гул нози.
Тенг ўлчаса ҳанийди,
Тақдир қўйган тарози.

БИР ҚИЗ ЙИГЛАЙДИ

Билолмадим кимлигини ҳам,
Кипригини эгіб турар ғам,
Қараашлари нозли маликам,
Тушларимда бир қиз йиглайди.

Мени жондан севишику чин,
Ором олмас, оқшомлари тин,
Севишини айттолмай, лекин,
Тушларимда бир қиз йиглайди.

Бўлмас экан севгидан тониб,
Муҳаббатдан кўзлари ёниб,
Узун сочи белда чўлғониб,
Тушларимда бир қиз йиглайди.

Гоҳ ишқ сифмас, танасига ҳам,
Кирмас, ҳатто хонасига ҳам,
Дардин айтмай онасига ҳам,
Тушларимда бир қиз йиглайди.

Ишқин жойлаб қорачиғига,
Нишон бўлиб армон тиғига,
Тумор илиб чимилдиғига,
Тушларимда бир қиз йиглайди.

Асли дунё экан-да бир кам,
Кипригини эгіб турар ғам,
Муҳаббатдан куюнган эркам,
Тушларимда бир қиз йиглайди.

ЁР-ЁР

Ишқим изҳор этолмаган кун,
Сени ташлаб кетолмаган кун,
Висолингга етолмаган кун,
Ўзим ёр-ёр, айтай тўйингда.

Севишмни сир тутиб жоним,
Энди тўғри йўл тутиб жоним,
Қўлларингга гул тутиб жоним,
Ўзим ёр-ёр, айтай тўйингда.

Адирдаги қирмиз лолага,
Юраккинам тўлиб нолага,
Рашким келиб куёвболага,
Ўзим ёр-ёр, айтай тўйингда.

Жой берайин кўнглим тўридан,
Қувват олиб қалбим қўридан,
Куйлар чалиб сенга зўридан,
Ўзим ёр-ёр, айтай тўйингда.

БАХТ ҚУШИ

Изингиздан чечаклар унсин,
Дилингизда тўфонлар тинсин.
Ёронларим-қадрдонларим,
Бошингизга баҳт қуши қўнсин.

Ишқ дарёси оқиши билан,
Дилга ҳижрон ёқиши билан.
Қанот қоқиб хоҳиши билан,
Бошингизга баҳт қуши қўнсин.

ПУЛИМ ЙҮҚ ЭДИ

Күлда қизил гуллим йүқ эди,
Гул олгани пулим йүқ эди,
Онам, мардга ўлим йүқ, деди,
Ололмадим бойнинг қизини.

Кўкка отдим дўппим бўш тушди,
Ёз ўтдию, тезда қиш тушди,
Ёш бошимга бир ташвиш тушди,
Ололмадим суйган қизимни.

Гулбоғларга гул-чечак тўлди,
Саратонда сарғайди, сўлди,
Қўшнимга у, келинчак бўлди,
Ололмадим бойнинг қизини.

Қирқта эмас, биттадир жоним,
Ёлғизликдир энди маконим,
Юракдаги битта армоним,
Ололмадим суйган қизимни.

САМОН ЙЎЛИ

Самон йўли туташгандир юлдузга,
Эгма қалам, учма қоши қундузга.
Ишон фақат, фақат ишон чин сўзга,
Үйланмагин жон укажон шўх қизга.

Сарсон бўлиб юрма умр омонат,
Кетса агар тилдан-дилдан диёнат.
Ўз дўстингга ўзинг қилиб хиёнат,
Үйланмагин жон укажон шўх қизга.

ТИЛ ЗАХРИ

Гоҳо ожиз банданинг иши,
Үз киндигин ўзи қирқиши,
Үттиз икки тишининг тирқиши,
Тил заҳрини сочиши мумкин.

Денгизларнинг дайди делфини,
Тош юракнинг темир қулфини,
Дил дарчасин, қўнгил зулфини,
Қўл теккизмай очиши мумкин.

Ўз-ўзига, ўзи ачиниб,
Номозшомда кўзлари тиниб,
Тунда жаҳл отига миниб,
Тонгда андин кечипи мумкин.

Арчабаргдай, зебу-забар,
Сукунатдан берса хабар,
Кипригингга қўниб турган пар,
Бир пуфласанг учиши мумкин.

Бунда ҳар ким ўзини оқлар,
Шафтоли юз, бодом қовоқлар,
Ёқланмаган томонни ёқлар,
Сўнгра сендан кечиши мумкин.

СОКИН ШАМОЛ

Деразани чертади ёмғир,
Сокин шамол, эсади ғир-ғир,
Икки дунё очилмаган сир,
Очилмагай дил айвонида.

Қора сочга оқ оралади,
Юзни ажин, дөғ қоралади,
Қалбни беиз, дард яралади,
Юрагимнинг хиёбонида.

Шундан юзим, бўлди тупроқтус,
Манглайимни чўқиди товус,
Юрагимни юлиб олган қиз,
Эзар эссиҳ, ўз товонида.

Ҳасталикдан ҳасратлар чекиб,
Кўз ёшига кўзлари чўкиб,
Этилмаган қаддини букиб,
Ором йўқдир, Мирзо жонида...

ҚАЙДАН ИЗЛАЙИН

Эй соchlари майин, киприги майин,
Булбулман, бир гулга қўнмабман тайин.
Ифоринг тарапгай қайсидир ёндан,
Айт, сени қайлардан, қайдан излайнин?

Шомми ё субҳидам саҳар чоғида,
Куйганим куйгайдир бир гул доғида.
Манзилинг, қайдадир, кимнинг боғида,
Айт, сени қайлардан, қайдан излайнин?

ШЕЪРИЯТ

Алишерни ипсиз боғлаган,
Машрабни девона айлаган.
Сенсиз шоирларинг найлаган,
Ҳаёт гултоjisан, шеърият.

Мени ҳам ўзингга шайдо эт,
Илҳоминг юракда пайдо эт.
Бир сирли дунёга тўлиб кет,
Ҳаёт гултоjisан, шеърият.

Муҳаббат бўйидин бўйлатиб,
Ошиғин тунлари ўйлатиб.
Қўлида қаламин ўйнатиб,
Ҳаёт гултоjisан, шеърият.

Қорозлар зор қақшар йўлингда,
Қаламлар титрайди қўлингда.
Уммонинг тугамас дилингда,
Ҳаёт гултоjisан, шеърият.

Ғанимлар бағрини тилмаган,
Сабот гули сен-ла сўлмаган.
Илҳоминг юракда ўлмаган,
Ҳаёт гултоjisан, шеърият.

Ўзингни ясадинг ўзингдан,
Мисралар гузилди сўзингдан.
Эҳ, қонлар сузилди кўзингдан,
Ҳаёт гултоjisан, шеърият.

ДИЛ СҮЗ

Етти букилмоққа йўл қўймас фурур,
Ор-номусли оқил, бош эгмас мағрур.
Тиконлар ичинда чечак шода-дур,
Дўзахмас, жаннатда ўйлар сурамиз.
Иккимиз албатта, бирга бўламиз.

Бўғзида бир қултум сувдек қотган муз,
Қалам қоши мисли бир тилим тарвуз.
Тўрт оёқ, тўртта қўл, бўлиб тўртта кўз...
Ҳасану-Зуҳродек эгиз бўламиз.
Заминга илдиз ё негиз бўламиз.

Буғдоин ғарқ пишиб, ўроқсиз қолган,
Сочлари қирқ ўрим тароқсиз қолган.
Беайб-айбдор сўроқсиз қолган,
У ёғу, бу ёқда бирга бўламиз.
Паймона бўлсак ҳам бирга тўламиз.

Фунчанинг лабидан бол шимиб ичган,
Баҳорнинг эгнидан «либосин» ечган.
Юзига субҳидам табассум кўчган,
Биз чечак бўламиз, чаман бўламиз.
Гулзорлар ичинда омон бўламиз.

Оғриқли кунларни бир зум унутиб,
Мискиндан муродбахш мәҳрлар кутиб.
Қорачигнинг индай уясин титиб,
Кўзга ёш олмаймиз, ўйнаб-куламиш.
Зимистонда ҳам биз бирга бўламиз.

Ҳамрозу хунрезга кўрсатиб қўркин,
Кўкда ҳам, ерда ҳам нур сочиб эркин.
Бу мўъжаз дунёда Мирзо не деркин...
Осмонда Ой-Қуёш, юлдуз бўламиш.
Юракларда қайноқ дил сўз бўламиш.

АРЗАНДА ҚИЗ

Күнгил ўртар бўлди-ку дил розларингиз,
 Куй авжидаги синар бўлди созларингиз.
 Меъёридан ошиб кетди нозларингиз,
 Арзанда қиз, арзанда қиз, арзанда қиз.
 Менга эмас, ойингизга арзандасиз.

Балки сизнинг тиллодандир бармофингиз,
 Жилмайсангиз ёниб кетар дил доғингиз.
 Фаришталар эмиш сизнинг ўртоғингиз,
 Арзанда қиз, арзанда қиз, арзанда қиз.
 Менга эмас, ойингизга арзандасиз.

Гар кулсангиз титроқ кирап танамга ҳам,
 Парилар лол сиздек сочи санамга ҳам.
 Оберинг, деб айттолмадим онамга ҳам,
 Арзанда қиз, арзандасиз, арзанда қиз.
 Менга эмас, ойингизга арзандасиз.

Севсам ҳам мен, пари, сизнинг бегонангиз,
 Ишиңгизда куйиб юрган девонангиз.
 Бўлса ҳам гар «йўлчи юлдуз» дугонангиз,
 Камтар бўлинг, сиз ҳам мендек бир бандасиз.
 Менга эмас, ойингизга арзандасиз.

Хато қилдим бу дунёда сизни суйиб,
 Адашибман сиздай қизга кўнгил қўйиб.
 Куйдирасиз ишва билан қовоқ уйиб,
 Камтар бўлинг, сиз ҳам мендек бир бандасиз.
 Фақатгина ойингизга арзандасиз...

ТОНГ САБОСИ

Эй, мутрибо Мунис янглиғ,
Дилим эзган чанг садоси.
Кўксим узра қадаб минг тиф,
Майин эсган тонг сабоси.

Чечаклару-ялпизларнинг,
Илдизларин қаҳрабоси.
Тузонлару найсонларнинг,
Майин эсган тонг сабоси.

Қадди баланд қадрдоним,
Ақли-хушу, онг рабоси.
Садқа этай тану-жоним,
Фир-фир эсган тонг сабоси.

Ҳар он сени ёд этурман,
Бинафшанинг ранг-равоси.
Ё барбод, ё шод этурман,
Кўнглим эзган тонг сабоси.

ДУРКИЛЛАГАН ШАФТОЛИ

Кўкрагида бир эмас, икки,
Дуркиллаган шафтолиси бор.
Дуркиллатиб шафтолисини,
Жон олади кулгичли нигор.

Ёноғида қирмизи гилос,
Бир товланиб ёниб қолсайди.
Кулгичига босиб лабимни,
Асалидан қониб олсайдим.

Пар ёстиққа бош қўйган каби,
Кўксига мен бош қўйиб ётсам.
Оромини бузиб саҳарда,
Шафтолисин тишлаб уйғотсам...

ЯСАНИБСИЗ

Лайлимисиз, Ширин, Санобар,
Барчинмисиз ё балки Лобар.
Бўйларингиз бўйим баробар,
Ясанибсиз, менга ёқай, деб.

Кўз-кўз этиб ҳуснингизни ҳам,
Айтмай, ҳатто исмингизни ҳам.
Сутта чайиб, гўзал юзни ҳам,
Ясанибсиз, менга ёқай, деб.

Дилда соғинч, бир оҳ бўлади,
Тангрим бизга паноҳ бўлади.
Гар унутсам, гуноҳ бўлади,
Ясанибсиз, менга ёқай, деб.

Сизни кутиб, ўтарди умрим,
Ҳаёт денгиз, жим оқарди, жим.
Кўзларимга ишонмам қумрим,
Ясанибсиз, менга ёқай, деб.

ОҚЛИК ВА ҚОРАЛИК

Дунёнинг аҳволи танг бўлди,
Умрнинг этаги чанг бўлди.
Оқлик ва қоралик қаърида,
Кеч тушди, сўнг яна тонг бўлди.

Тоғларга сепилди тариқлар,
Жилдираб сув оққан ариқлар.
Гўдакнинг «инга»син тинглабон,
Сўнг Қуёш нур сочиб чарақлар.

Самода замбарак, чақинлар,
Дўмбира чертади оқинлар.
Ўзлари олисда бўлса ҳам,
Бор бўлсин юраги яқинлар...

НИДО

Қарқуноқнинг юлинган пати,
Кўзим ўяр кўнгил калхати.
Овчидирман, ҳеч йўқроҳати,
Юрагимда бир нидо яшар.
Айбим недир,
ўзинг айт, башар?..

Дарёдилнинг тўлқинларидаӣ,
Сукутгоҳнинг ёлқинларидаӣ.
Дўқ урайми ёки ёлборай,
Юрагимда бир нидо яшар.
Айбим недир,
ўзинг айт, башар?..

Юз йил яшаб пари билмаган,
Ёш-ку майли, қари билмаган.
Нидолиғ, лек нолиш қилмаган,
Юрагимда бир нидо яшар.
Айбим недир,
ўзинг айт, башар?..

Қинни қилич ин қилган каби,
Фариштани «жин» қилган каби.
Гоҳ бузилиб Мирзонинг таъби,
Юрагимда бир нидо яшар.
Айбим недир,
ўзинг айт, башар?..

АЗОБ

Ёлризликни сўймайди жиним,
Ҳеч ишимда бўлмади унум.
Сенсиз асло ўтмайди куним,
Муҳаббатнинг ширин азоби.

Азобдирсан шириндан-ширин,
Англолмадим дунёning сирин.
Нигоҳингга нелар яширин,
Муҳаббатнинг ширин азоби.

Ишқда сенга асирман-асир,
Шул сабабким кўзларим басир.
Дил қаърига қурмишсан қаср,
Муҳаббатнинг ширин азоби.

Таним дардга тўлдирмасайдинг,
Борлигингни билдиримасайдинг.
Ишқ кўйида ўлдирмасайдинг,
Муҳаббатнинг ширин азоби.

ДИЛ ИЗХОРИ

Дунёда кўп бой хонлар ўтган,
Довруғи йўқ инсонлар ўтган.
Улар инсон қадру-қимматин,
Гоҳо билиб, гоҳо унуган.

Лек юртбошим унумагайлар,
Ёмонликни ҳеч кутмагайлар.
Қалби тўла яхшилик экан,
Саховати ҳеч битмагайлар.

Саховатли юртбошим, Сизни,
Ўтганларнинг руҳи қўллагай.
Минг миннатдор бўлиб, одамлар,
Ҳам дуюю салом йўллагай...



АРАЗИНГИЗ

*Гоҳо сизнинг кўнглиңгизни ололмасам,
Аразингиз очилмайди, аразингиз.
Бедор тунда ёнингизда қололмасам,
Аразингиз очилмайди, аразингиз.*



УСТОЗЛАР

Құлға олдим торимни,
Айтай дилда боримни.
Меҳр-ла, дүст-ёrimни...
Үстирдингиз, устозлар.

Билмаганни билдириб,
Ҳалол меҳнат қилдириб.
Дилни завқда түлдириб,
Үстирдингиз, устозлар.

Эъзоз этиб бизларни –
Қанча ўғил-қизларни,
Хушовоз – ҳофизларни
Үстирдингиз, устозлар!

Ҳар соҳада муаллим,
Куну тун билмай тиним,
Бериб ҳунар ҳам билим,
Үстирдингиз, устозлар.

НОЗАНИН

Тор күчамдан ўтдинг, нозанин,
Нозлар ила кетдинг, нозанин,
Гоҳ куйдириб, гоҳо сүйдириб,
Дил торини чертдинг, нозанин.

Ишқ боғига аста оралаб,
Қизил-сариқ гуллар саралаб,
Жилва билан қалбни яралаб,
Дил торини чертдинг, нозанин.

Юракдаги розларинг билан,
Гоҳ баҳору ёzlаринг билан,
Оlam ичра нозларинг билан
Дил торини чертдинг, нозанин.

НОЗ ЭТАР

Йўлларига интизор
 Кунларим бедор ўтди.
 Севгим айтсам гул пари
 Минг бора нозлар этди.
 Ҳатто кўқдан тўлин Ой
 Бўсага юзин тутди.

Лек гул пари ноз этар,
 Ишқин менга оз этар!
 Қалбимдаги муҳаббат
 Иккимизга ҳам етар.
 Васлини қўмсаб-қўмсаб
 Неча баҳор, ёз ўтар.

Самоларга юз тутиб,
 Кўзларимнинг гавҳари.
 Тушларимда эркалаб,
 Кулиб турар бир пари.
 Үнгимда-чи, ноз ила:
 Кет, дерлар, мендан нари!..

Васлига мен зор бўлдим
 Висолига етолмай.
 Оlam ичра хор бўлдим,
 На қолиб, на кетолмай.
 Муҳаббатнинг «касрига»
 Гуноҳимдан ўтолмай.

Эҳ, гул пари ноз этар,
 Ишқин менга оз этар.
 Қалбимдаги муҳаббат
 Иккимизга ҳам етар.
 Васлини қўмсаб-қўмсаб
 Неча баҳор, ёз ўтар.

НЕТАЙ

Дүстларимни ҳар дам күргим келади,
Улар ила даврон сургим келади,
Дүст дея ёнма-ён тургим келади,
Дүстлар дийдорига муштоқман, нетай.

Кишлоқда бўлмайин ёки шаҳарда,
Ўйқудан уйғонсам чўчиб саҳарда,
Софиниб қоламан дўстларимни мен,
Дўстлар дийдорига муштоқман, нетай.

Дўстларсиз телбадек хор бўлиб яна,
Меҳру муҳаббатга зор бўлиб яна,
Телбадек бир дарвеш, далли-девона,
Дўстлар дийдорига муштоқман, нетай.

Жаладек қуйилди кўздаги ёшим,
Дўстларим, не қиласай, қотди-ку бошим,
Тугади юракда тоғдек бардошим,
Дўстлар дийдорига муштоқман, нетай.

ЖАЙРОН

Кўзлари дур, шалола,
Ойнинг қизи юлдуздай.
Юзлари мисли лола,
Ойдин кеча-кундуздай...

Кел жайрон, жоним, жайрон,
Сени кўриб бўлдим ҳайрон.
Юрагимни қилма вайрон —
Кел ёнимга сен жонон...

Сунбул сочинг қародир,
Сеҳринг диллар ародир.
Ҳеч келмайсан жайроним —
Кўнглим шундан яродир.

КИЙИК КҮЗ

Қайрилма қош, кийик күз,
Дединг менга шириң сүз,
Тұлин ойдек очиб юз,
Кутдим сени, келмадинг.

Қоронғу кун-кечалар,
Чорлаб сени нечалар,
Оппоқ ойдин кечалар,
Кутдим сени, келмадинг.

Орзулари осмоним,
Бунча шириң забоним,
Ҳам яхшию-ёмоним,
Кутдим сени, келмадинг.

Баланд учган қушдайин,
Қайта күрмас тушдайин,
Севганим-севган сайин,
Севганимни билмадинг...

ЁВВОЙИ ЖИЙДА

Күйиб-күйиб күл бўлди юрак,
Йўлларингга кўзим нигорон.
Ҳақ гувоҳдир барига бешак
Тунларимдир сархуш беором.

Қўлларингда ёввойи жийда,
Турар эди сўлиб-сарғайиб.
Тушларимда кезиб Водийни,
Юрар эдим сени ахтариб.

Ҳали-ҳануз кўзларим йўлда,
Интизоринг Мирзодек ғариф —
Шому саҳар кезурман сархуш,
Кенг Водийда сени ахтариб.

МЕН КЕТСАМ

Ўзбекистонда хизмат курсатган
артист Охунжон Мадалиевнинг
айтолмай кетган қушиги:

Танҳодек келдим мен дунёга,
Бефурсат кетгувчи одамман.
Ўтмиш им айланиб рўёга,
Мен кетсам куюнманг, мен кетсам.

Тақдир деб атарлар эл уни,
Юрагим дош бермай, дардларга.
Тақдирга тан бериб, бир куни,
Мен кетсам куюнманг, мен кетсам.

Бу фоний оламни тарк этиб,
Кўзимни юмсам гар дунёдан.
Эй, азиз Онажон, қон ютиб,
Мен кетсам куюнманг, мен кетсам.

Қўлингиз очиб Сиз дуога,
Мен учун дуолар қилдингиз.
Сўзингиз етгайдир Аллоҳга,
Мен кетсам куюнманг, мен кетсам.

Эслаб мен Жавоҳир боламни,
Йиғлатиб опа-ю, холамни.
Ортимдан бўзлатиб Онамни,
Мен кетсам куюнманг, мен кетсам.

Қўлда торим авжида синиб,
Овозим титратса оламни.
Энг сўнгги қўшиғим, шу бўлиб,
Мен кетсам куюнманг, мен кетсам.

КЕТАМАН ДЕБ

Нозли-нозли, нозлар ила,
Сүймаганни-сүйдирдингиз.
Ишқингизда ёнди юрак,
Кетаман деб куйдирдингиз.

Юзингизга боққанларни,
Жонидан ҳам түйдирдингиз.
Юракка ўт ёққанларни,
Кетаман деб куйдирдингиз.

Нур ёғади юзингиздан,
Айланайин ўзингиздан.
Қайтмай яна сўзингиздан,
Кетаман деб куйдирдингиз.

Куёв бўлай ойингизга,
Гул сочайн пойингизга.
Кеча кетган жойингизга...
Кетаман деб куйдирдингиз.

Рози қилиб отангизни,
Айтиб қўяй хатонгизни.
Хафа қилиб, жоним, бизни,
Кетаман деб куйдирдингиз...

ДҮСТ

Қаттиқ сиқиб қўлингни,
Билмоқ бўлар дилингни,
Тунда пойлаб йўлингни,
Дўстинг қилса хиёнат.

Кўзларингга тик боқиб,
Фуруринг ўтда ёқиб,
Қўлингта кишан тақиб,
Дўстинг қилса хиёнат.

Онадан-да яхшироқ,
Дўст бормикин оламда?!
Хиёнаткор бир дўстим...
Яшар менинг ноламда!

Куни-тун еб тузингни,
Дўст деб алдаб ўзингни.
Лек, ер қилиб юзингни,
Дўстинг қилса хиёнат...

Сен туфайли йигиб зар,
Кўксингга уриб ханжар...
Дониёр Мирзо, бил, агар —
Дўстинг қилса хиёнат.

Онадан-да яхшироқ,
Дўст бормикин оламда?!
Хиёнаткор бир дўстим...
Яшар менинг ноламда!

НЕТАЙ ДИЛДОР

Гарчи, ошиқ дилпораман,
 Қайғулари садпораман.
 Ошиқу, бир девонаман,
 Нетай Дилдор, нетай Дилдор?!

Күзларингга түёлмадим,
 Қилиқларим қүёлмадим.
 Минг бор қучиб уялмадим!
 Нетай Дилдор, нетай Дилдор?!

Қирққа қараб кетди ёшим,
 Қалбим ёқар гоҳ қүёшим.
 Йиғламагин, қалам қошим,
 Нетай Дилдор, нетай Дилдор?!

Изҳор этай ошкор сўзим,
 Сени курса, қувнар кўзим.
 Севганингман ёлғиз ўзим,
 Нетай Дилдор, нетай Дилдор?!

Ҳолим ёмон, дилим вайрон,
 Қалби баҳор, кўзи жайрон.
 Дониёр Мирзо бўлди ҳайрон,
 Нетай Дилдор, нетай Дилдор.

АРАЗИНГИЗ

Гоҳо сизнинг кўнглингизни ололмасам,
Аразингиз очилмайди, аразингиз.
Бедор тунда ёнингизда қололмасам,
Аразингиз очилмайди, аразингиз.

Сунбул мисол сочингизни силасам-да,
Минг бор кулиб, кўз ёшингиз эласам-да,
Бир дунёча баҳтиңгизни тиласам-да,
Аразингиз очилмайди нечун, эркам?!

Ҳаёт ўзи сийнасини ёрат эмиш,
Бир кун келиб бизни баҳтга қорар эмиш.
Мен Отабек, сиз-чи, унда бўлиб Кумуш,
Аразингиз очилмайди нечун, эркам?!

Ҳасрат тўла юрагимни эзив-эзив,
Гулбогимдан гуллар термай нечун кезиб,
Сизни севдим, десам, жоним, мендан безиб,
Аразингиз очилмайди нечун, эркам?!

Баҳорга, сиз, чирой бериб очилган гул,
Сизга ошиқ хониш қилган менман булбул,
Сиз танҳосиз, сиз Малика сочи сунбул.
Аразингиз очилмайди нечун, эркам?!

Ҳажр ўти тиғлар менинг юрагимни,
Ишқ наштари тилкалади курагимни.
Билмам, сизга борми ўзи керагимни,
Аразингиз очилмайди нечун, эркам.

ЮРТ ИШҚИ

Хеч кимса йүқ сени жондан сўймаган,
 Хеч кимса йүқ ишқингда бир кўймаган.
 Ёшу-қари дийдорингга тўймаган,
 Сен барибир суюклисан Ватаним!

Бир нечалар таслим қилди сенда жон,
 Бири келиб, бири кетар беармон.
 Олсанг ҳам гар омонатинг батамом,
 Сен барибир суюклисан Ватаним!

Довруғинг кетди-ку жаҳонни бўйлаб,
 Шоириңг шеър битгай дилл-дилдан ўйлаб.
 Не жонлар ҳайқиргай мадҳингни куйлаб,
 Сен барибир суюклисан Ватаним!

Таърифингни элга баён айладим,
 Қадринг билиб ишқинг дилга жойладим.
 Ҳозирингни эртангни-ҳам ўйладим,
 Сен барибир суюклисан Ватаним!

Бағрингдаги қушлар бежиз сайрамас.
 Чаманзорсиз булбуллар ҳеч яйрамас.
 Каминага фақат Ватан бўлса бас,
 Лек барибир суюклисан Ватаним!

Адолат деб ёнган инсонларинг бор,
 Ватанин сотганлар бўлур абад хор,
 Бахтинг бутун бўлгай толе сенга ёр —
 Сен барибир суюклисан Ватаним!
 Ишқинг дилда буюклисан Ватаним!

ЖОНИМСАН-ЖАҲОНИМ

Мен кечгум юлдуздан,
Кечаю кундуздан,
Баҳору ҳам куздан,
Лек сендан кечолмам.

Унтиб дунёни,
Ёлғону рўёни,
Асраб пок ҳаёни,
Хеч сендан кечолмам.

Жонимсан — жаҳоним,
Сен яхши-ёмоним,
Покиза иймоним,
Мен сендан кечолмам.

ҲОФИЗ

Дилдан куйла ҳофиз,
Қўлга ол созни...
Юраклар сеҳридан тўлғонсин, ёнсин.
Ишқнинг лаззатидан сармаст кўнгиллар —
Мудроқ уйқусидан дадил уйғонсин!

Жозибали хониш айлагил фақат,
Не-не қалблар ундан ёниб тўлғонсин.
Нозанин парилар, сунбул соchlари —
Шамолда ҳилолга, нурга чўлғонсин.

Қалбан жўшиб куйла.
Янграт овозни.
Ҳайратга, шубҳага ўрин қолмасин,
Булбул каби сайрат садафрез созни,
Раққосалар хиром этиб толмасин...

ЖОН СИНГЛИМ

Синглим Гулсевархонга

Тонгда туш кўриб турар,
Сочларин ўриб турар,
Дарёларнинг бўйида,
Хаёллар суриб турар.

Жон синглим, жондош синглим,
Қони бир, қондош синглим.
Жисми бўлак жони бир,
Тан ичра тандош синглим.

Кўли гул, доно, чевар,
Жон-дилдан гулни севар.
Чиройда ҳам тенги йўқ,
Фаришта қиз — Гулсевар...

КЕЛИНЧАК

Келинчакка термулиб
Куёв бола ўлтирар...
Ишва билан, ноз билан
Келин юзларин буар.

Келинчак, ой келинчак,
Юришлари иболи...
Келинчак, ой келинчак,
Ўз ёрига вафоли...

Суйдиради — сужди,
Куйдиради — кужди.
Ўт бўлиб, олов бўлиб,
Ҳижронидан тўяди.

ВОЛИДАНГ

Гуноҳинг йўқ, бошгинангда тож,
Куй алнга, янграп дилхирож.
Фариштадек ёйиб қирқ қулоч,
Сени ҳар дам ўйлар волиданг.

Тиллари бол, кўзлари мовий,
Орзулари покдир самовий.
Қирқ ўрим соч, кекса нуроний,
Сени ҳар дам ўйлар волиданг.

Бўлма нодон, ё эгри оёқ,
Бўлсанг бошда сингайдир таёқ.
Келажакка, олисларга боқ!
Сени ҳар дам ўйлар волиданг.

Сўзи учқуни, нафаслари ўқ,
Кўкрагида тафти сўнмас чўғ.
Сочлари оқ, ёшлари улуғ —
Сени ҳар дам ўйлар волиданг.

Бўл, укажон, қўрқмас баҳодир,
Бир дуо-ла, ҳар нега қодир.
Омонат жон — ўлмас даҳодир,
Сени ҳар дам қутлар волиданг...

БАЛЛИ ДЕЙМАН

Салоҳиддинжонга

Сен самога учган кун,
Юлдузларни қучган кун.
Яхшига дил очган кун,
Балли, дейман, мен сенга.

Ҳар дам тўғри сўйласанг,
Эл тинчлигин ўйласанг,
Яхшилигинг қўймасанг,
Балли, дейман, мен сенга.

Бўлсанг доно, ширин сўз,
Эл ичинда ёруғ юз.
Кўз тегмасин, сенга, кўз,
Балли, дейман, мен сенга.

Яхши бўлсанг мен учун,
Шунинг ўзи етади.
Тупроқ олсанг қўлингда,
Олтин бўлиб кетади...

УМР САВДОСИ

Умр савдосидир ошиқлар ғариб,
Оталар чол бўлар бир куни қариб.
Қай манзил-маконин топгай ахтариб —
Ошиқ қизчаларни, ошиқ йигитлар.

Армонли кечалар ўтиб кетади,
Ҳижронни домига ютиб кетади.
Бир-бирин қўлидан тутиб кетади,
Ошиқ қизчаларни, ошиқ йигитлар.

ХАЛҚИМ

Бободеҳқон бўлиб, боғни яратиб,
Не олтин тошлардан тогни яратиб,
Истиқлол байроғин дунёга тутиб,
Меҳнатда суяги қотгансан халқим!

Тупроғини кўзга тўтиё айлаб,
Ватанни асрраган — севиб авайлаб...
Деҳқонсан қалбингга вафони жойлаб,
Кафтида ғунча «ниш», отгансан, халқим.

...Заҳри йўқ! Ҳақ сўзни айтганда бетга,
Адолат деб ўзни урибон ўтга...
Томчиси йўқ ўша... бадфеъл булутга,
Юрагинг парчалаб отгансан халқим!

Ойу қуёш каби мангаликка ҳур!
Дунёга... дунёдай ботгансан халқим!
Кўксингда жўш уриб миллий тафаккур,
Ўзбек бўлиб илдиз отгансан халқим.

ГЎЗАЛЛАР

Хўп ярашган қадди-қомати,
Қирқта кокил ширин хаёллар.
Бирам сулув ойдайин кўркам,
Гўзал қизлар, гўзал аёллар.

Латофату назокатда ҳам,
Бир-биридан ўзар аёллар.
Ҳам муқаддас, муниса улар,
Гўзал қизлар, гўзал аёллар.

Латофатли лобар ва чевар,
Нафосатли сирдош аёллар.
Садоқатли дўст бўлар доим,
Гўзал қизлар, гўзал аёллар.

ДИЛДОРГИНАМ

Ёлғизгинам, ёлғизлигим сезилди-ку,
Сени ўйлаб юрак-бағрим эзилди-ку.
Күнгил бүшаб күзда ёшим сузилди-ку,
Софинтириб келурмисан, Дилдоргинам?!

Муштоқлигим билурмисан эй, ёргинам,
Ё устимдан кулурмисан, Дилдоргинам?!
Ишва қилиб, минг саллона, нозлар билан —
Софинтириб келурмисан, Дилдоргинам?!

Қулоқ тутай қайси ёлғон наволарга,
Хақ сўзи йўқ ошиғу бедаволарга.
Солиб менинг бошимни минг балоларга,
Софинтириб келурмисан, Дилдоргинам?!

Муҳаббатнинг кўпдир зару-хазони,
Кечи ҳам кўп, тонги ҳам кўп-азони,
Ишқ куйида ҳўрлаб Дониёр Мирзони —
Софинтириб келурмисан, Дилдоргинам...

БЕМОР

Бемор кунларингда ҳолингни сўраб
Ўксиндим, лек сенинг тананг бўлолмам.
Тўрда шифтга термулиб ётганинг кўриб,
Боланг ёки азиз онанг бўлолмам.

Тирноғинг оғриса сириқиб оққан,
Бир томчи сийропдек қонинг бўлолмам.
Теринг бошқа, сени тананг ҳам бошқа,
Гавдангни тик тутган жонинг бўлолмам.

Кечир, жоним, сендан узрлар сўрай,
Отамдан меросдир бир синиқ қалам.
Софайгин бир куни, баҳтингни кўрай,
Шеъримни ўқиб сен чекмагин алам.

ИСТИҚЛОЛ

Мустақил юртимнинг кўркини қаранг!
Соғлом авлодининг эркини қаранг!
Истиқлол деб ёниб, зришдик халқим,
Истиқлол муборак, она диёrim.

Номинг достон бўлғай боғларинг бўстон,
Кўкси осмон бўлиб, сенга биз посбон.
Чаманзорга тўлгай ҳур Ўзбекистон,
Истиқлол муборак, она диёrim.

Эрк бердинг-ку бизга, эркларинг ҳаққи,
Бобомерос бўлган буюклар ҳаққи,
Оқ сут берган она суюклар ҳаққи,
Истиқлол муборак, она диёrim.

Юртимни кўрганлар қилибdir ҳавас,
Кўрмаганлар бир бор кўрсам, дерлар, бас!
Қалбимдасан менинг ҳар он, ҳар нафас,
Истиқлол муборак она диёrim...

Яна бир ёш тўлдинг, тўйлар муборак,
Мадҳиянг-у янгроқ, куйлар муборак.
Дунёга юз тутган, шонинг муборак,
Истиқлолинг қутлуғ, она диёrim.

Хотиранг ҳам эъзоз, ўзинг ҳам эъзоз,
Ўзбекистон эъзоз, Туркистон эъзоз.
Сени қанча севиб, ардоқласак оз!
Истиқлол муборак, она диёrim.

ТҮЙ

Келинчакнинг сепини ёйиб,
Кузатишар келин янгалар.
Остонадан пойгакка қараб —
Сочишади тилло тангалар.

Бахтли қизнинг изидан қараб —
Кузатишар буркашиб оққа.
Аҳдли қизни, файзли хонадон,
Узатишар қўшни қишлоққа.

Тўй бўлади қўшни қишлоқда,
Олинг қуда, берингиз қуда.
Қудачилик, минг йиллик дея —
Айтишмаган экан беҳуда...

Тўй тугамас, тарқамас овул,
Ёр-ёрларга жўр бўлар довул.
Бутун оқшом келин-куёвга —
Мирзо бўлар яхши қоровул...

САБР

Сени севиб-севилмай ҳеч,
Азобдаман нетай, жоним.
Айрилиғу ҳижронлардан,
Қочиб қайга кетай жоним.

Кўп чарчадим сабр этиб,
Жиссим аро жабр этиб.
Кўмиб қўйдим юрагимга —
Ўз жонимни қабр этиб.

Бир гуноҳим хатом бўлар,
Аза кўнгил — мотам бўлар.
Нега ўлдинг, ўғлим дея —
Зор йиғлаган отам бўлар.

ЛАҲЗАЛАР

Кўзим теграсида дунё мукаммал,
Ёр қадрдон, дуст ила талашма амал.
Кеч кузак рўй бериб келса-да ҳамал
Дунё ғаниматдир, дунё ғанимат.

Беш кунлик дунё бу умр ғанимат,
Беш кунни яшашнинг ўзидир омад.
Йўлингга қирқ тузоқ қўйса-да офат,
Лаҳзалар ғанимат, ҳар он ғанимат.

Кўзингга чўп қадаб турсалар дўстинг,
Пепонанг бир қарич, шул эрур кўстинг,
Она ер гардига қўмилур устинг —
Дунё ғаниматдир, дунё ғанимат.

Душманинг ачинса, дўстларинг кулса,
Фамгусор юрагинг армонга тўлса.
Ёнингда бир дўстинг, бир онанг бўлса...
Дунё ғаниматдир, умр омонат...

БИР НАФАС

Бу дунёси бири кам-ками сира битмайди...
Ўтаверар умримиз тўхтаб бизни кутмайди...
Югурмиз-еламиз тўхтамайин бир нафас,
Айтинг қани дўстларим, бизга нима етмайди?

Яшайвериб бирма-бир дунё сирин очамиз,
Ажал келса, биз томон, айтинг қаён қочамиз?
Билиб-билмай телбадек, таърифин нечун эй, дуст,
Дониёр Мирзо зўр лея оғзимизни очамиз!

ХЕЧ АЙТМАЙДИ

Юлдуз Усмонова

Учыб кетган қалдирғоч,
Хеч ортига қайтмайди.
Бир йигит бор, дардини —
Сира менга айтмайди.

Хеч айтмайди, айтмайди,
Ёрим сирин айтмайди...

Нур сочади ғунчалар,
Ранги қизил-анвойи...
Севибдими, шунчалар —
Ром этиб гул чиройи:

Күнгил ярим, дил ярим,
Күнгил қуши қайтмайди.
Билолмадим у нечун —
Сирларини айтмайди:

Айтмасанг дил-дард бўлар,
Ўтган умр қайтмайди!
Йигитлар шўх, мард бўлар,
Бир сўзидан қайтмайди.

ИЛТИЖО

Сиз туфайли келдим дунёга,
Танда титроқ, дилда ҳаяжон.
Дөг тушурманг иймон ҳаёға,
Мени ташлаб кетманг аяжон.

Фалакларга етди дил оҳи,
Фарзандингиз недир, гуноҳи?!
Сиз қалбимнинг суянчи, шоҳи —
Мени ташлаб кетманг аяжон.

Бағрингизга олингиз тезроқ,
Меҳрингизга зорман, кўп фироқ,
Ёнаяпман оташда, бироқ —
Мени ташлаб кетманг аяжон.

Кўзларимнинг Сиз, дур, гавҳари,
Ўзингизку, чин-дил парвари.
Эзгуликнинг танҳо сарвари.
Мени ташлаб кетманг аяжон.

Момоларинг руҳи қўллагай,
Кимки, қилса, қанча яхшилик.
Унга тенгсиз омад-йўллагай —
Мени ташлаб кетманг аяжон.

Гуноҳим не-айтинг, аяжон,
Ҳаста дилда, титроқ ҳаяжон.
Юрагимда бўлмайин-армон —
Мени олиб кетинг аяжон...

ТУРОНИМ

Халқим учун фидо танамда жоним,
Ватан Ўзбекистон, шарафим шоним.
Авлодлари тоза, қонлари тоза...
Тенити йўқ, жаҳонда қадим Туруним.

Мадҳ этиб жаҳонда Ўзбекистонни,
Халқ ила егайман, бир бурда нонни...
Киндик қоним томган ушбу ўлкам-чун,
Садқа этгум ҳатто, танамда жонни!

Остонаси тилло бўлсин ўзбекнинг,
Ўланлари ялло бўлсин ўзбекнинг,
Алп қомат фарзандларга жон бериб,
Айтганлари алла бўлсин ўзбекнинг.

Тиллога алмашмам, Ўзбекистонни,
Ёвларга бермасман бутун осмонни.
Мардлар қўриқлади, Ватан деб доим,
Келажаги буюк Ўзбекистонни.

ТУН

Тун шафақни пардалар қилди,
Синиб қолган ойнинг ўроғи.
Ёлғон-чинга зардалар қилди,
Яқин қилиб, дилнинг фигонин.

Қанотини кенг ёиди сукут,
Қулочкашлаб, келади қаҳр.
Кўш кўзойнак таққанча бургут,
Ўлжасига қиласди заҳр...

ДИЛИЖОН

(халқ оқанғыда)

Хаёлимни олиб-олиб
Келармисан ёр-ёр,
Тушларимда соғинч бўлиб
Юрармисан ёр-ёр,
Тунда юлдуз мисол чақнаб
Туармисан ёр-ёр.

Дили-Дили Диљоним,
Хаёлимни олиб ёрим...

Кўзимдаги қувончимсан,
Юрагимда ёр сен ўзинг,
Қалбимдаги севинчимсан,
Ақлим олдинг, ёр, ўзинг,
Сенга арзим айтсам агар,
Йўқ демагин ёр-ёр.

ҲИЛОЛ

Кўкда ёлғиз ой яшар,
Ёлғизлик ойга ярашар.
Севгилим сени кўрсам,
Кўзим қувнаб қамашар.

Самодаги юлдузим,
Сенга айтай чин сўзим.
Ёндириб куйдирсанг ҳам,
Севганим ёлғиз ўзинг.

Ёлғизим кел, ёлғизим,
Сенсиз яшамоқ ўлим.
Фироқингда куйдирма!
Яйрасин куйган дилим.

Ойдин кеча-ой бўлиб,
Жамолинг ойдай тулиб.
Учрашувга борганда,
Севгилим чиққин кулиб.

Сен кўкдаги ҳилолим.
Қора қоши кулолим.
Йиғласа кўз ёшлари,
Кавсар булоқ зилолим.

ЗОР ЙИҒЛАТДИ

Зор йиғлатди гарчи ҳудойим,
Айирди-ку мени севгимдан.
Ёрсиз умрим ўтаркан доим,
Нажот кутай айт, само, кимдан?

Гоҳ бехаёл паришонхотир,
Яшамадим ўзим учун ҳам.
Лекин ундан олиб ҳавотир:
Минг йиғласам бўлар эди, кам?

Йўқ, дунёни кечиргим йўқдир,
Сайхун менинг кўнглим тўлдирсин.
Бизни солди шу куйга тақдир,
Гар ўлдирса, ишқдан ўлдирсин...

Гоҳ шоҳ эдим гоҳида гадо,
Ёш чиқмасди асло кўзимдан.
Ёр ишқига бўлиб мубтало,
Кўнглим қолди ҳатто ўзимдан.

Бевафодир тақдирни азал,
Юрагимни садпора тилдим.
Ишқ йўлида дард чекиб охир —
Энди ўзим қадримни билдим.

ОДАМ АТО

Бу беш кунилк дунёда,
Барчамиз ҳам ғанимат.
Баҳор келиб бизларга,
Ато этса-да неъмат...

Билинг шуни азизлар,
Ҳатто Одам Атони.
Кечирмасди ўшандада,
Қилса катта хатони.

Яратганмиш Аллоҳим,
Буюқ Момо Ҳавони.
Баҳра олинг-да сизлар...
Тинглаб бизнинг навони!..

Одам Ато шунда ҳам,
Қилмай сира, ҳеч гуноҳ!
Она ернинг бағридан,
Топган эмишлар паноҳ...

Дониёр Мирзо сизми деб,
Сўраб исмингиз билай.
Билмасамда ўзингиз,
Шеърингиз ўқиб ўлай.

ЙИҒЛАДИМ

Кўксингизга бошим қўйиб йиғладим,
Юрагим минг жойидан ўйиб йиғладим.
Тўймадим армонда куйиб йиғладим,
Онажоним...

Сизни дуонингиз кўзладим она,
Сиз кетиб бутадай бўзладим она.
Йўқотиб қабрингиз изладим она.
Онажоним...

Юрагим оташдек қақраб ётибди,
Курагим оловдек гуркираб ётибди.
Кўзларим уйқусиз мудраб ётибди,
Онажоним...

Сиз кетдингиз онажоним хайр демай,
Яхши-ёмон, дўсти душман айр демай.
Йиғлаб яна кипригингни хайр демай,
Онажоним...

Дониёр Мирзони деб, хору-зор бўлдим,
Ўлдим яна итдай бемозор бўлдим.
Бир кун ўтмай Она, сизга зор бўлдим.
Онажоним...

Танангиз қабрида нега жим ётибди?
Ҳатто пайғамбар ҳам Она деб ўтибди.
Руҳингиз безовта мени кутибди.
Онажоним...

Дунёга ким келиб, кимдир кетмоқда,
Яхшининг бошига ўлим етмоқда.
Ёмон қолиб яхшини ер ютмоқда,
Онажон...

ХОТИРА

*Ушбу шеърни марҳум дўспитим
(Мунаввар) хотирасига
багишладим*

Мен сизни севардим,
севардим бироқ,
Сизни олиб кетди
аёвсиз ўлим.
Мендан кўра Сизни
севаркан тупроқ,
Кўкка совирдилар
бир сиқим кулим.
Турмуш қуриб баҳти
бўлмасмидингиз,
Фарзандлар камолин
кўрмасмидингиз.
Тўйлар бериб яна
элу юртимга,
Бундай ёшдан юзни
урмасмидингиз.
Жанозангиз ўқиб,
олиб кетдилар,
Тобут ичра Сизни,
солиб кетдилар.
Ё раб мотам тутиб,
барча-барчасин,
Қалбини ўтларда
ёқиб кетдилар.
Бошда дўпним менинг,
белда белбоғим,
Қону зардоб бўлиб,
юракда доғим.

Тириклик чөлларда
 қадрингиз билмай,
 Чекар эдим фақат
 армон ва оҳим.
 Энди Сизни ким севар,
 қабрдан бўлак?
 Ёнидаги ўтлоғу
 адран бўлак?
 Ҳеч ким севмас марҳум,
 Сизни дўстгинам.
 Ёлғиз Яратганинг
 жабридан бўлак.
 Дўстим – менга битта
 мозор етмайди.
 Юракда ўт кўпу
 озор етмайди.
 Қўш мозор бўлсайдим,
 дўстим Сиз билан.
 Ортимдан йигловчи,
 зор-зор етмайди.
 Нечун мени ўлдириб,
 олиб кетмади.
 Тобут бирла икковни
 солиб кетмади.
 Осмонимда кулган
 Ой йўқмиди ё?
 Ёнингиздан менга
 жой йўқмиди ё?

ОҚ РҮМОЛ

Юрагимга оқ ботар менинг
Пари қизнинг хўрсиниқлари.
Оқ рўмоли бошида унинг —
Севгим келар севганим сари.

Сармаст ўлан-ишқу, дурдонасига,
Навраста элимнинг мулки — Турони.
Хотиримнинг бир буржида ул!
Тинчлиги йўқ, шовқин-сурони.

Сукунатли сокин кечада,
Базм этар Тўйчи-оғаси...
Онасидан қиз қўлин сўрсам —
Рад жавобни берди, тоғаси.

Лек, Малика, Моҳитоб дея,
Парирўйнинг парвонасиман.
Бағри бутун, нур офтоб дея —
Моҳитобнинг девонасиман...

ЯНГАЛАР

Сиз сулувсиз, парисиз,
Сулувлар — сарварисиз.
Ошиғи кўп — оқ рўмол —
Гуноҳлардан — нарисиз...

Осмон тиниқ ҳаводир,
Сарҳади йўқ — наводир,
Мен ошиқнинг дардига
Бир сўзингиз даводир.

Қўйиб берса янгалар,
Не бўлсада, қиласдим.

Етолмасам гар, сизга —
Юрагим минг тилардим.

Ёрим дейму, севгилим
Күлда қызил-оқ гулим:
Совғаларни беролмай —
Юраклар тилим-тилим.

Бугун омад, бахт кулиб
Балки сизни оларман.
Сочингизга осилиб —
Тонгда ўлиб қоларман...

ЮРАККА ЎТ СОЛГАН ЁР (халқона)

Хаёлимни олган ёрим.
Юракка ўт солтан ёрим,
Кечалари оромимни —
Ўзи билан олган ёрим.

Тонгда келиб гоҳо менинг,
Нозларимни кўрган ёрим.
Юзларимга нигоҳ ташлаб,
Кулиб-кулиб турган ёрим.

Кўзимга ёш тўлиб-тўлиб,
Юрагимни тилиб-тилиб.
Ширингина хаёл бўлиб
Хаёлимни олган ёрим.

Ойдин кеча, ойдай бўлиб,
Нурафшон тун, нурга тўлиб.
Гоҳо дилдан кулиб-кулиб,
Хаёлимни олган ёрим.

ГҮЗАЛ ЁР

Күзларингни күрсам қамашар күзим,
Вужудимда титроғу адашар сүзим.
Сени жондан севган, мен-ман бир ўзим,
Эй гүзал ёримсан, эй гүзал ёрим!

Севдим десам жоним мендан қочасан,
Қалбимдаги севги сирин очасан.
Күзларингдан меҳр нурин сочасан,
Эй гүзал ёрим бўл, эй гүзал ёрим!

Қучоғимга чорласам сабр қил дейсан,
Дард чекиб жонингга жабр қил дейсан.
Севгингни жоним сен, қадр қил дейсан
Эй гүзалим ёрим бўл, эй гүзал ёрим!

Кипригинг камондек ўқларин отган,
Даҳшатдан кўрганлар ҳайратдан қотган.
Мирзодек муҳаббат азобин тутган,
Эй гүзал ёримсан, эй гүзал ёрим!

ИНТИЗОР

Ёгаётган қормиди,
Ё севганинг бормиди?
Ошиқларинг интизор —
Йўлларингга зормиди?!

Қайрилма қош сулувлар,
Йўлларингни тўсдимми?!
Қошин қоқиб, кўз сузиб,
Хаёлингни буздимми?

Ташна бўлдим йўлингта
Кўл берай деб, қўлингта,

Үша баҳтли хаёлдек
Кириб қолсам дилингга...

Сүзлагин, эй шўх йигит,
Дардларингни олай ёр.
Хаёлдамас — қўнглингда,
Юрагингда қолай ёр.

ОТАЖОН

Эгнида тўн, белга етмас, белбоғи,
Ўғил кўриб чоғ бўлгандир димори.
Кўнглимизда жондай азиз ардоғи,
Жонимда-жон қадри осмон Отажон.

Фарзанд учун аямас ўз жонини,
Боласига бергай бурда нонини.
Оилада ўтказар ҳар онини,
Томираид қон, эй қадрдон Отажон.

Сочингизга оқлар инсин ялладан,
Узоқ умр сўрай сизга Алладан.
Бўйнингизга тумор тақай тилладан,
Гар қўлимда бўлса имкон Отажон.

Баҳор келмай қалдирғочлар учмагай,
Отасиз уй, умр осон кечмагай.
Ўғлингиз бор, чирогингиз учмагай,
Кўксимда оҳ, пиру паноҳ Отажон.

ЗАВОЛ

Асл олтин минг йил турса зангламас,
Нобакорлар дўст қадрини англамас.
Манмансираб гоҳ сўзингни тингламас,
Бўлган дўстдан кечмоқ керак экан-да!

Билсанг улдир хиёнатнинг хуштори,
Зор қақшагай гоҳи қўлда дутори...
Сен-чун азиз ёрнинг иккинчи ёри-
Бундай дўстдан кечмоқ керак экан-да...

Гердаяди давлатининг зўридан,
Завқ олмишdir заррин қуёш нуридан.
Жой тегса ҳам ломаконнинг тўридан,
Бундай дўстдан кечмоқ керак экан-да.

Ўғринча кўз тикар зебу зарингга,
Қулоқ солмас эрса унсиз зорингга.
Илондайин кириб олса бағрингга,
Бундай дўстдан кечмоқ керак экан-да!

Раҳмат демас куну тун еб тузингни,
Ночор пайти ўйиб олар кўзингни.
Тап тортмаса ўлдирмоқдан ўзингни,
Бундай дўстдан кечмоқ керак экан-да!

Порламайди нокасларнинг иқболи,
Не кечаркин фарзандларнинг аҳволи?.
Тутса ҳамки, ўша дўстнинг уволи...
Бундай дўстдан кечмоқ керак экан-да!

Шерик бўлмас эрса асло зорингга,
Қирқ йилда ҳам ярамаса корингга...
Суюнмаса бу дунёда борингга,
Бундай дўстдан кечмоқ керак экан-да!

ОТА ҚАДРИ

*(Сүнгги пүшаймон –
үзингга душман)*

Тириклиkdir ҳақиқат,
Учиб турар баҳт қупши...
Ҳаёт пайти отасин
Қадрини билмас киши!
Ота қадрин англамай,
Үз иши-ла оввора...
Үтиб кеттгач отаси,
Ииғлар унсиз дилпора.
Қани менинг отам деб,
Қанча фарёд, оҳ чекар,
Тиним билмай тунлари,
Күзларидан ёш тўкар!
Югур-югур кўп бўлар,
Отаси ҳаётликда.
Падар ўтгач, ўғлининг
Куни ўтар додликда.
Қиблагоҳи чидолмай
Қанча ғаму таънага.
Үтиб кеттгач отаси,
Ўғил қолар онага.
«Падари бузрукворим»,
Дея сўнгра дод солар,
Ўчиб шаму чироғи
Бечора етим қолар!

ШИФОКОРЛАР

Шифокорлар пок бўлғай,
Вафо зрур ишига.
Сўзласалар, ҳар сўзи
Шифо берур кишига.

Ишга тушган онида,
Ҳамшираси ёнида,
Асли наслин билингиз
Шифокор бор қонида.

Сўзлаб ширин сўзини,
Хушнуд айлар ўзини.
Беморларни соғ этиб,
Ёруғ қилгай юзини!

Қалби тоза шифокор,
Сизга яна не даркор?!!
Дори-дармон керакмас,
Сизга бўлғай толе ёр!

АЖДОДЛАР РУҲИ

Бир юрг борки, қудрати кўқдан-да юксак,
Унинг тарихини дилга жо этсак...
Куну тунда азизлар чироғин ёқиб,
Аждодларнинг руҳини яна шод этсак!

Булутларнинг қаърини киприги тешган,
Ўзига бек элимни ўзбек дейишган.
Шажараси номини ёдда тутишган,
Аждодларнинг руҳини яна шод этсак.

Ўнта бўлса ўғлингиз ўрни бўлакча,
Қирқта бўлса қизингиз кўнгли бўлакча.

Борар йўллар бир томон битта йўлакча,
Аждодларнинг руҳини яна шод этсак.

Навоийдек аллома парча юраги
Тупроқларга қоришса йўқми, кераги?
Дониёр Мирзо кўксидা битта тилаги,
Аждодларнинг руҳини яна шод этсак!

ҚИЁМАТ...

Кўкда тангри булути бисёр,
Бағрида кўп ёмғир-қори бор!
Селларини қизғонса фалак,
Ночор кечар биздаги рўзғор!

Аёз кириб шайтон йўлига
Кимни айлар бир зумда бомор.
Нақд тутмайин тангри қўлига
Унга этдинг кимни шифокор?

Шифо бериб бирга баҳт тутса,
Бошқа бирни қаро ер ютар!
Пешонага баҳтсизлик битса,
Хаста кўнгил чор-ночор ўтар!

Жасурликда, дилда – диёнат,
Лоқайдликда яшапи хиёнат.
Қолса агар шайтонга кунинг,
Қалбингта кўп солар қиёмат!

ВИЖДОН АЗОБИ

Ишқ-муҳаббат йўлина ёмон,
 Эзар унсиз виждон азоби.
 Эҳ, қабоҳат қўлина ҳамон,
 Қийнар сенсиз бир жон азоби!

Жоним чиқиб, шу жонсиз қолсам,
 Ҳазонлардай титраса қалбим.
 Бағрим эзиб хаёлга толсам,
 Кўнглим синиб қолаверсам жим.

Қабоҳатга тўлганми фалак?
 Ой бошига ҳасад қулаган.
 Биздан шунча безганми малак?
 Бошга яна ғавғо улаган!

Пешонамга санчиди сукут,
 Фарид таним эзғилар фироқ...
 Юрагимда чақнаган бир ўт
 Бу оламни ёритган чироқ!

ЎҒЛИМГА...

Тўхта, болам, бир нафас,
 Ёнимдан асло кетма!
 Ёдингда тут доимо,
 Ватан сўзин унутма.

Қодирий, Чўлпонлардек,
 Мақсадинг аниқ бўлсин.
 Яшасанг бу дунёда,
 Юрагинг ёниқ бўлсин.

Амир Темур, ҳаттоқи
 Мир Алишер Навоий,

Унутмаган Ватани,
Сүз йўқ бунда ҳавойи.

Эшит, болам, бўлди, бас,
Ватан сенинг сўзингдир.
Ўзлигинг билсанг агар,
Ватан сенинг ўзингдир!

МАЛИКАМ

Япрофнинг устида томчилар,
Маликам, бу сизнинг совчилар.
Боргунча юрагин ҳовучлар...
Маликам, не дерсиз совчига?

Қизралдоқ пояси букилган,
Севинч ёш юракдан тўкилган.
Фам-андуҳ сиздан-да чекинган,
Маликам, не дерсиз совчига?

Сиздан-да сулувроқ санамлар,
Сочини силаган қаламлар.
Жом тўла сипқориб аламлар,
Маликам, не дерсиз совчига?

Ҳавонинг авзойи бузилган,
Ишқ аҳли фармони тузилган
Бир ошиқ япроқдай эзилган...
Маликам, не дерсиз совчига?

Ҳозирдан жавобин кутаман,
Алам-ла ишқ ўтин титаман.
Йўқ бўлса риҳлатга кетаман,
Маликам, не дерсиз совчига?!

ЗОР БҮЛМАН

Ким меҳрга зор бўлди, кимга дунё тор бўлди,
Ишқ йўлида ғаним ҳам гоҳи вафодор бўлди.
Менинг нозик дилимда шўх наво алёр бўлди,
Қайда бўлсам ҳамиша ёнимда бўлинг, ёrim!

Кўздан қочди уйқулар, йўқдир унинг чораси,
Қандай сизга айтайин юрагимнинг порасин.
Пок қалбимнинг ҳамдами, кўзим оқу қораси –
Қайда бўлсам, вафодор, ёнимда бўлинг, ёrim!

Юрагим бўлди ёмон, қалбим эса сиз томон,
Талпинади туйғулар сизга фақат, сиз томон.
Кўнгил овлаб, вафодор, доимо бўлинг омон –
Қайда бўлмай ҳамиша ёнимда бўлинг, ёrim!

Гуллар бериб қўлимга, ишқ солдингиз дилимга,
Дилдоримни кўрай деб келдингиз-ку ёнимга.
Рози қилиб ўзимни гул бердингиз қўлимга,
Қайда бўлсам, вафодор, ёнимда бўлинг, ёrim!

Васлингизда бир пари, ишқ кўйида ёнадир,
Қандай номард ошиқлар севгисидан тонадир.
Ошкора изҳор этсам, бу сўзим дўстонадир –
Қайда бўлсам, вафодор, ёнимда бўлинг, ёrim!

Кўнгилга дарз кетса гар, уни ямаб бўлмайди,
Не ошиқлар йўлимда, лекин кўнглум тўлмайди.
Менинг нозик дилимда бир муҳаббат ўлмайди,
Қайда бўлсам, ҳамиша ёнимда бўлинг, ёrim!



ЁЛГОН МУХАББАТ

*Энди бўлди:
Севолмайман, бас!
Муҳаббатни қилмайман ҳавас.
Юрагимни тимдалаган хас –
Елгон севги,
Ёлгон муҳаббат!*



ҲАҚИҚАТ КҮЗГУСИ

Күзимда ҳақиқат күзгуси синган,
Коримга биргина онам ярайди!
Йўлимга термулиб қўзлари тинган –
Онажоним қачон сочин тарайди?!

Девонага менгзар мени хаёллар,
Кипригида ўсган тоза настарин.
Оқила яралган бизни аёллар,
Нечун англай олмас дунё сирларин?!

Минг пора қўксига офтоб ҳам тегмай,
Соддагина бошин қиров ялади.
Ҳатто қиличга ҳам бошини эгмай,
Барча одамзоднинг бахтин тилади!

Авшал соchlарига оқ тушган эди,
Зум ўтмай у соч ҳам тўкилиб бўлган,
Илоҳий бир садо сўради мендан,
Йўқ сочини онанг қандай тарайди...
Кўзимда ҳақиқат күзгуси синган.

ҚАДР

Бошинг тошга текканда
Очилади кўзларинг.
Дилинг хира тортганда,
Қора бўлар юзларинг.

Бошингни ҳам қилурсан
Жойи келиб пинҳона.
Умрбодмас, вақтинча
Бўлиб унга жонона.

Билмайди деб ўйлама,
Ювар гуноҳ, чангни ҳам.

Кўрмасам-да биламан,
Гувоҳ кўкда тангри ҳам.

Майли, мени алдарсан,
Кечиб иймон-ҳаёдан.
Ҳақни алдаб бўлмайди,
Шуни билгин, эй нодон!

АТИРГУЛ

Тоғларга седана сепиб қўёйин,
Кел гулим, пеплонанг ўпиб қўёйин.
Райхону ялпизга хушим йўқ менинг,
Анвойи бўйингдан қучиб қўёйин.

Шамолда қалтирап жамбул қулоғи,
Юз йил чорласа ҳам оташ булоғи.
Дер, Қашқар элининг Темур чўлоғи...
Кел гулим, атирингни ичиб қўёйин.

Агар ўлжа бўлсанг, ёмғир-селига,
Шимолдан эсган ел, гармселига.
Қийноқ соладирсан кимнинг дилига,
Атиргул-атирингни ичиб қўёйин.

Ҳар қандай гул совға учун узилар,
Бир даста, бир қучоқ қилиб тузилар.
Сени олган ул парилар сузилар,
Кел-эй гул, бўйингдан қучиб қўёйин.

ВИДО

*Устозим — Ўзбекистон ҳалқ шоири
Муҳаммад Юсуф хотирасига*

Ўрлаган бургутдай таним безовта,
Безовта бўлмаса, у тан не керак?
Мен ҳам ўз ўғлимга, қизимга ота
Бўлмасам, кўксимда урмайди юрак!

Бўйин томирларинг шишиб кетса гар,
Фазабдан далолат беради вужуд,
Кўзинг даҳшатли бир ўқрайса агар,
Кўзингда зиё йўқ, кипригингда ўт!

Қани кеча сўйган калхатнинг гўшти?
Еб битирган бўлса ялмоғиз шоҳи.
Куриб кетмасмикан пок етти пушти,
Айтгин, Муҳаммаднинг недир гуноҳи?

Полапон қўлида тарози бўлса
Каж ўлчамасмикан адолат тошин?
Бегуноҳ гўдаклар норози бўлса,
Пора этмасмикан кўкнинг қуёшин?

Қорақалпоқ сари сафарга чиқиб,
Кетган эди, кеча Муҳаммад Юсуф.
Осуда кунига бурнини тиқиб,
Ортидан кимлардир қилдими «куф-суф».

Кечаги туманинг либоси қора,
Мурдаси заъфарон, кафани-чи, оқ!
Бугун эл-элатнинг диллари яра...
Муҳаммадсиз қалам қаламмас, таёқ!

Дард чекиб ўзи ҳам кўз юмар-юммай,
Дардга кўмиб элнинг одамларини.
Тетапоя қилиб шеърлари юрмай,
Узиб кетди бундан қадамларини.

ҮКИНЧ

Қаламим қийшиқ эрүр,
Үзим бир андозаман.
Қалбга чексиз нур берур –
Иймон янглиғ тозаман.

Күнглим этиб дастурхон,
Ким дүст, душман билмадим.
Қыл устида титраб жон,
Лекин ўзим ўлмадим.

Бир ўкинчли кунимда
Армонга дил ёзаман.
Кези келгач айтайин –
Иймон янглиғ тозаман.

Бир янглишиб жаҳаннам
Үтида ҳам ўлтириб,
Бироқ жаннат боридан
Даста-даста гул териб.

Дониёр Мирзо қисмати
Ишқ шаробидек тахир.
Кўксига ўтли хати
Иймондан бўлган ахир.

Бир ўкинчли кунимда
Сиза кўнглим ёраман.
Оқибатда охират
Сари оқиб бораман.

ТАҚДИР

Тақдир пешонангни чимчиласа ҳам,
Беҳос кўз ёшларинг томчиласа ҳам.
Қисмат қил қамчида қамчиласа ҳам,
Биз дилхуш бўламиз, дилкаш бўламиз.
Мабодо биз ўлсак, бирга ўламиз...

Бир зумда айланиб, беқанот қушга,
Кирсак ҳам безараар, безулм тушга.
Алмашиб юбориб тилни лаш-лушга,
Биз дилхуш бўламиз, дилкаш бўламиз.
Мабодо биз ўлсак, бирга ўламиз...

Умрнинг ҳийлакор озорларида,
Тин билмас-тўпалон бозорларида.
Кўнгилнинг кенг, сокин мозорларида,
Биз дилхуш бўламиз, дилкаш бўламиз.
Мабодо биз ўлсак, бирга ўламиз...

Васлнинг учқуни учади ўрлаб,
Бирорнинг қалбидан кўнгил ўғирлаб.
Висолни васлга бериб, гоҳ зўрлаб...
Биз дилхуш бўламиз, дилкаш бўламиз.
Мабодо биз ўлсак, бирга ўламиз...

БАХТЛИ БҮЛ

Бир пайтлар гулим эдинг сен,
 Менинг жону дилим эдинг сен.
 Сүнгра бўлак, йўлим дединг сен,
 Ваъдангга вафоли, аҳдли бўл.
 Бахтли бўл, севгилим.
 Бахтли бўл.

Қирқ кокилинг, кипригингда пар,
 Товонингдан сочинггача зар,
 Гулим эдинг бўйи муъаттар...
 Ёрингга вафоли, аҳдли бўл.
 Бахтли бўл, севгилим.
 Бахтли бўл.

Қулофинг тут бир сўз айтаман,
 Тўйингда мен дил сўз айтаман.
 Энди ортга сенсиз қайтаман,
 Аҳдли бўл, эй гулим, аҳдли бўл.
 Бахтли бўл, севгилим.
 Бахтли бўл.

Ҳаммасига кўникиб яша,
 Юзларга кир, ошингни опа.
 Дунёларни қилгин томоша,
 Ёрингга вафоли, аҳдли бўл.
 Бахтли бўл, севгилим.
 Бахтли бўл.

АЙБИ ЙҮҚ

Бир борганда күрмадим,
Хол-аҳвол ҳам сўрмадим.
Лекин юзим бурмадим,
Онам топган Гўзални.

Биз сўнгги бор кўришдик,
Тортишдик ва суришдик.
Нимага ҳам эришдик,
Онам топган Гўзални.

Назаримда ёш эдим,
Балки бағритош эдим.
Аммо сўққабош эдим,
Онам топган Гўзални.

Ҳеч қўнғироқ қилмадим,
Негалигин билмадим.
У кулди, мен кулмадим
Онам топган Гўзални.

Сўймасам ҳам, сўйсам ҳам,
Ё қавоғим уйсам ҳам.
Сўнгра кўнгил қўйсам ҳам
Онам топган Гўзални.

У мактабда муаллим,
Берар сабоқ ва билим.
Гул юз, қирқта кокилим
Онам топган Гўзални.

Не дарди бор билайнин,
Билгач қандай кулайнин.
Уйланмай мен ўлайнин...
Онам топган Гўзални.

Кўрдим нуқсон, айби йўқ
 Оғирроқдир, балки шўх.
 Бўлса ҳамки кўнгил тўқ
 Онам топган Гўзални.

ЎЧ БЎЛМА

Тонг каби сўлим бўл, кеч бўлма жоним,
 Дард билмас ғанимга, дуч бўлма жоним.
 Одам баҳтли бўлар, суйгани билан,
 Зебу зийнатларга, ўч бўлма жоним.

Эрк берма ҳеч қачон кўнгил майлига,
 Балки эгиздирсан, гулим Лайлига.
 Мос бўлгин ҳар қачон замон зайлуга,
 Зебу зийнатларга, ўч бўлма жоним.

Сен учун танжу зар излаб юрибман,
 Дунёда тенгсизин кўзлаб юрибман.
 Ёзда ҳам қалтираб музлаб юрибман,
 Зебу зийнатларга, ўч бўлма жоним.

Олтин-зар, нон эмас, фақат ялтирас,
 Худодан баҳт сўра, худойим берар.
 Кўнглимда маржондай тоқат қалтирас,
 Зебу зийнатларга, ўч бўлма жоним.

ҮЛГИМ КЕЛМАЯПТИ

Умрим тугаб бари бўлган ҳал,
Туғилғанман балки бемаҳал.
Тушимда ҳам тинч қўймас ажал,
Ўлгим келмаяпти Онажон.

Шому саҳар, юрак-бағрим қон,
Дил тубида энг буюк армон.
Менсиз кенгиб қолмагай жаҳон,
Ўлгим келмаяпти Онажон.

Ошиқдирман балки беқарор,
Ишқ бобида тузалмас бемор.
Дардим айтай, Сизга сўнгги бор,
Ўлгим келмаяпти Онажон.

Яратганга бордир бир арзим,
Шу эл учун яшамоқ фарзим.
Адо этмай, фарзандлик қарзим,
Ўлгим келмаяпти Онажон...

ЕФДУ

Ойнинг шуъласидан таралган шабнам,
Оқ тонгни аллалар алёрлари ҳам.
Ярамга туз сепиб, бўлгандек малҳам,
Менга муҳаббатни эслатиб қўйди.
Севгилим-севгимни ёлғонга йўйди.

Ҳилолнинг нурлари тилсим ва тилсим,
Қуёш чаракламас, жим турарди, жим.
Кўксимга оловни солгандек балким,
Тафти қабохатни эслатиб қўйди.
Хурлиқо жилмайиб — қавогин уйди.

Еллардан-елдирим жўнатганда хат,
 Фазогирдай кўкни кезди бетоқат.
 Йўлимга ғов бўлиб, булутдай оғат,
 Вужудим-вужудин, эркалаб сўйди.
 Сўнг кўзим кўксидан бол ялаб қўйди...

Лабига-лаб боссам, қовжирап лаби,
 Босмаган кезларим бузилар таъби.
 Иддаоси недир, недир матлаби,
 ...У менга ўзини бағишлаб сўйди.
 Сўнг лабим лабини қўмсамай қўйди...

ЭҲСОН

Қалбда чақин чақса, очилгай йўли,
 Шоир бу шюҳ эмас, кўнгилнинг қули.
 Самодай соғ бўлар шоирнинг дили,
 Шоирлик касб эмас, Тангридан инъом.

Шоир бу огоҳ, лек ғарибдан-ғариб,
 Билмайман сўз топгай қайдан ахтариб.
 Ё тинмай тиланар, Худодан бориб,
 Шоирлик касб эмас, Тангридан эҳсон.

Шоирни айбламоқ энг катта гуноҳ,
 Шоирни суйғанлар чекадир «оҳ-воҳ».
 Гулдан гулоб ичган Гули ҳам ҳатто,
 Навоийга сира бўлмаган паноҳ.

Заминни изминигга юргазиб бўлмас,
 Баҳт қуши бошингга минг бора қўнмас.
 Навоий энди ҳеч, қайта туғилмас,
 Шоирлик шаробмас, қалб тўла илҳом.

Шоирлик касб эмас, Тангридан инъом...

АКА*Бахтиёр акамга*

Хотирингиз жам бўлсин ака,
 Ҳар юмушни уддалайман мен.
 Ҳаммасига муҳит сабабчи,
 Ҳаммасига гувоҳдир замин.

Хотирингиз жам бўлсин ака,
 Асли булар дарёдан томчи.
 Агар сизни қилса калака,
 Чумолига қўйинг арғамчи.

Хотирингиз жам бўлсин ака,
 Қисматим тоғ, чўлда кечса ҳам.
 Оқ айиқлар асал ўрнига,
 Қизил қоним шимиб ичса ҳам.

Хотирингиз жам бўлсин ака,
 Изғиринлар чақса иягим.
 Тоғ бағрида музлаган овчи,
 Исинмоққа ёқса суюгим.

Хотирингиз жам бўлсин ака...

МАЖНУНТОЛ

Мажнунтол шоҳидай эгилди бошим,
 Лочинга қўшқанот қайрилма қошим.
 Сизни ҳайрон этар сирли қарошим,
 Энди мен бошқаман, энди мен ўзга.

Ҳақ сўзни айтганда заҳри йўқ юзга,
 Мен қулоқ солмайман, ҳеч битта сўзга.
 Кўксимни ўртайди дилдаги зорим,
 Энди мен бошқаман, энди мен ўзга.

Сувратим сүнгандай, мағрур сийратим,
Тунда ёниб кетди, ёзилган хатим.
Азобим қалб тұла, йүқдек роҳатим,
Энди мен бошқаман, энди мен ўзга.

Меҳр истар мендан мастоналар ҳам,
Вафо қымас экан останалар ҳам.
Жилмайсам жовдирар күзларимда нам,
Энди мен бошқаман, энди мен ўзга.

БАФИШЛОВ

Бандалик бор боңда, ҳаёт ахир бу,
Хотирангиз азиз дилларда мангу.
Ёру-дүст, фарзандлар, қавму-қариндош,
Күзидан жой олди дарёдай қайғу.

Сиз кеттач, бариси қолдилар ўқсиб,
Эслаюр, гоҳо шод, дардли онингиз.
Сиз билан ҳамнафас-елқадош пари,
Нодирабегимдек, қадрдонингиз.

Шафқатсиз бўларкан доимо ўлим,
Инсонлар жонига қиларкан зулм.
Сиз ҳаёт кезларда олам нақадар,
Кўринарди гўзал, кўркам ва сўлим.

Яхшилар бор жойда яхшидир, бироқ,
Бу ажал зулмидан, тан чекар титроқ.
Бу фоний оламнинг қонуни қисмат,
Яхшини севаркан, замин-зар тупроқ...

Ҳеч инсон жонидан бўлмасин жудо,
Болангизга бош-қош бўлсин қумрингиз.
Жон ато эттан ҳам, олган ҳам, Худо,
Энди фарзандларга, берсин умрингиз...

ЯНГИ ЙИЛ

Янги йилда янги омад ёр бўлсин,
 Фаришталар Сизга вафодор бўлсин.
 Дастурхонга тилиб, нозу-неъматлар,
 Қорқиз ҳамда қорбоболар бор бўлсин.

Янги йилдай байрам сиғар кўнгилга,
 Табрик айтсам ҳар бир опа-сингилга.
 Оғирим ҳам ўхшаб кетар енгилга,
 Уйда безак, арчалар ҳам бор бўлсин.

Қалбингизда нелар бордир, билайнин,
 Сизга ҳар дам янги зафар тилайнин.
 Юрагимни Сизга совға қилайнин...
 Бўталоқлар ўсиб бир кун нор бўлсин.

Одам азиз бўлса тансиқ нондайин,
 Тилимиз ҳам ширин бўлса «жон»дайин.
 Мирзо Сизни қутлар айтинг қандайин,
 Қўлимиизда булбулзабон тор бўлсин.
 Қарғаларга содиқ лайлакқор бўлсин.

ЛАБЛАРИНГИЗ

Лабларингиз уфқдай қизил,
 Ўпманг қонга бўяламан...
 Сиз турасиз менга муттасил,
 Мен худодан уяламан...

Лабингизга лаб босмоқ бўлса,
 Титраб лабим қўёламан.
 Ўртамиизда орият ўлса,
 Мен худодан уяламан...

Қулоқ солиб күнгил майлига,
Сүйсам чиндан суёламан.
Хайрон боқиб, замон-зайлига
Мен худодан уяламан...

Лабларингиз уфқдай қизил,
Үпманг қонга бўяламан...
Сиз турасиз менга муттасил,
Мен худодан уяламан...

ҲУМОЙ

Эркалашни билмадим,
Қошим кериб, лаб буриб.
Ёки хизмат қилмадим,
Ҳар дам елиб-югуриб.

Айни баҳор чогида,
Күнгил куйган доғида.
Ишқнинг яшил боғида,
Бинафшалар очилган.

Кулиб турар тўлин Ой,
Киприги ўқ, қоши ёй.
Настарин гулдай ҳумой,
Ифорлари сочилган.

Ёлғиз оёқ йўлакдир,
Қалбда ширин тилакдир.
Чин ошиқлик бўлакдир,
Ёрга күнгил очилган.

ҚОР ҚҰШИГИ

Оппоқ момиқ қор құнди,
Қоп-қора қошимизга.
Бугун дүстлар янги йил,
Еш құшды ёшимизга.

Қанча умр бор бұлса,
Хар бир инсон бүйнида.
Яшар баҳтли-баҳтиёр,
Севган ёрин қўйнида.

О янги йил, янги йил,
Омад қуши, баҳт қуши.
О янги йил, янги йил,
Тўрт фаслининг тахт қуши.

Янги йилда олдинга,
Ташлаб янги қадамлар.
Қўл уринг эзгу ишга,
Фариштали одамлар.

Қорбобо-қорқиз келди,
Зар тақилди арчага.
Чин юрак, чин кўнгилдан.
Баҳт тилаймиз барчага.

Тугамасин қўшиқлар,
Куйни-куйга улаймиз.
Янги йилда сизларга,
Янги зафар тилаймиз.

НОН АЗИЗ

Меңнат қилиб, тер түкиб,
Буғдойин отам топган.
Болдай ширин тансиқ нон,
Мунисам онам ёпган.

Нон азиз нон, нон тансиқ,
Онам ёпган мүътабар.
Тафти баланд, зўр иссиқ,
Ундан чиқар қил-қил пар.

Ноннинг ҳам ўз пири бор,
Банда билмас сири бор.
Тутаётган тандирда,
Онамнинг кўз нури бор.

Нон-ла тўкин дастурхон,
Зорлик нима билмайлик.
Ноннинг увоғи ҳам нон,
Асло увол қилмайлик.

Нон мүътабар, нон азиз,
Омон бўлсин жонимиз.
Бутун бўлсин насиба...
Ризқ-рўзимиз, нонимиз.

АСКАР МАДХИЯСИ

Юртим ўғлонларинг, мард-жасур,
Фанимга бош эгмагай мағур.
Эл тинчи дилдаги орзуси,
Кўксидা садоқат, ҳам фуур.

Нурдайин ёруғидир юзлари,
Юлдуздай тиниқдир кўзлари.
Барчаси бир тану, бир жондир,
Шу юртнинг ўғилу қизлари.

Эй, менинг гуллаган маконим,
Эл учун фидодир бу жоним.
Ҳар дилда сен азиз суюкли,
Она Ватан Ўзбекистоним.

Ватан-чун туғилган посбонлар,
Қадди тик, юраги осмонлар.
Йигитлик йўлдоши садоқат,
Эл учун фидодир бу жонлар.

Қалбда ўт чақнаса-чақиндир,
Кўзлари кўради чангда ҳам.
Ёвларга енгилмас алпқомат,
Хушёрдир, эрта-кеч, тонгда ҳам.

ШАМОЛЛАР

Олисларга олиб кетдингиз,
Қалбимга ҳис солиб кетдингиз,
Ё юракда қолиб кетдингиз,
Эсликина эски шамоллар.

Сас чиқади наводан-найдан,
Оёқ узиб кетдим Нарпайдан.

Ахтарайин сизларни қайдан,
Эсликкина эски шамоллар.

Сочи узун бураматоллар,
Асалари тиллари боллар,
Гоҳо гулгун, гоҳида сўлғин,
Эсликкина эски шамоллар.

Силласи қуриди қўллари толиб,
Йиртиқ яктак, қартайган толлар.
Тўқсонда ҳам калласи қолиб,
Салласига суюнган чоллар...

ҚИЗЛАРЖОН

Гирён кўзлар косасини,
Севинч ёшга тўлдирган.
Гўзалликда юлдузларнинг,
Зиёсини сўндирган.
Бир боқишда йигитларни,
Ишқ ўтида ёндирган.
Зиёга кон...
Ишққа макон,
Сиз ўзингиз, қизларжон!

Шифокорлар шифо бермас,
Ҳатто биздек беморга.
Сиз ўйламанг йигитларни,
Зор эмас деб дилдорга.
Ишқ макони бўлса ҳам гар,
Сотилмас у бозорда.
Зиёга кон...
Ишққа макон,
Сиз ўзингиз, қизларжон!

ҚИРҚ ЁШГАЧА

Куйлай десам гоҳида най тополмадим,
Фарид бошим қўйгали жой тополмадим.
Сендан ўзга қошлари ёй тополмадим,
Топганим сен ўзингсан қирқ ёшгача.

Севаман деб, қўшиқларда куйлаб юрдим,
Ёрим сени ҳар сония ўйлаб юрдим.
Эл-юрт кезиб, тўйларда ҳам тўйлаб юрдим,
Не савдолар кечиб бопидан қирқ ёшгача.

Онам дейди, йигит пирлар қўллаб турар,
Дуо қилиб сенга омад йўллаб турар.
Умр тули қадамингда гуллаб турар,
Эҳтиёт бўл тан-жонингга қирқ ёшгача.

Қирқдан кейин қолганлари ўтиб кетар,
Армонлару-гумонларни ютиб кетар.
Чин ошиқлар Мирзодайин кутиб ўтар,
Баҳт қушини тутолмайин қирқ ёшгача...

ФИРОҚ

Ишққа юрак ташнадир,
Қалбим куйга ошнадир.
Муҳаббатсиз, билмадим
Йиғлаб кўзда, ёш надир?!

Энди усиз ҳаёт йўқ!
Кўзим гирён отар ўқ!
Дилгинамнинг тўрида,
Ёнар ҳижрон, ёнар чўғ!

Ёрсиз энди йиғлайми,
Юрак-бағрим тиғлайми?

Күзларимдан ёш оқиб,
Ёр деб яна йиғлайми?!

Айтгин менга, айтақол,
Ёр, шаштингдан қайта қол,
Фироқингда күйдирмай,
Келгил, ёрим, келақол.

Күз ёшларим сой бўлди,
Гувоҳ кўкда Ой бўлди.
Ҳижрон ўти бағримда,
Яшайдиган жой бўлди.

ИШОН ЁР

Нигоҳларим-нигоҳингга ишон ёр,
Муҳаббатим-муҳаббатга кишан ёр.
Ҳавасни сен севги дея ўйлама,
Соф севгию, садоқатга ишон ёр.

Аввал салом кейин хайр-хуш экан,
Умр баҳор, гоҳ саратон, қиши экан.
Биз ўйлаган хаёллар бир туш экан,
Дилдаги чин, муҳаббатга ишон ёр.

Осмон узра нурин сочган Ой бўлиб,
Малоҳатда чиройга ҳам бой бўлиб.
Кўзи сузук, қалам қоши ёй бўлиб,
Бу дунёда муҳаббатга ишон ёр.

Сенга ногоҳ боққан қаро кўзгамас,
Севаман деб, ёлғон айтган сўзгамас.
Қадди-қомат ёки гўзал юзгамас,
Соф севгию, садоқатга ишон ёр.

АЗИЗАМ

Менга жони ҳалак парвонам десам,
Гул-ғунчалар ичра дурдонам десам,
Бу дунёда тенгсиз ягонам десам,
Сени мен, азизам, сени, азизам.

Шаддотлигинг дилим очади, жоним,
Сўқир кузга зиё сочади, жоним,
Юракка ўт қалаб қочади, жоним,
Сенинг шўхликларинг, сенинг, азизам.

Баҳорга ўхшайсан гоҳида, гоҳи,
Ўзинг қўш қанотли булбулим - моҳи:
Қалбингга қўл солиб, бўлиб гуноҳли —
Кўнглинг ололмадим, кўнглинг, азизам.

Ҳижроннинг дарбадар кўчаларида,
Нури йўқ, зиёсиз кечаларида,
Кечдим гўзал қизлар нечаларидан,
Сени деб, азизам, сени, азизам.

Олов юрагимга яна ўт қалаб,
Севганим ўзинг деб, менга эркалаб,
Осмонда ойларни қиласан талаб,
Мендан, азизам, сен мендан, азизам!

ШОИР ЭМАС...

Элдан олиб, элга бермаган,
Ёки элни назар қилмаган.
Ёлғонлардан ҳазар қилмаган,
Шоир эмас ундайин инсон...

Эл оғзида бўлмаса агар,
Қалбига шеър тўлмаса агар.

Шеърдан қўрғон қурмаса агар,
Шоир эмас ундейин инсон...

Душманлар-ла ошин ошаса,
Элни алдаб ёшин яшаса.
Мусибатга элни бошласа,
Шоир эмас ундейин инсон...

Шоирман деб, қаддин керувчи,
Ўз халқидан юзин бурувчи.
Бир наф бўлса ўзин кўрувчи,
Шоир эмас ундейин инсон...

Бечорага бермаса нажот,
Тунда туриб қилмаса ижод.
Халқ тилида бўлмаса ҳаёт,
Шоир эмас ундейин инсон...

АЙТОЛМАДИМ

(Хонанда Шахло Сафарова номидан)

Ҳаё устун келди ҳамиша,
Айтолмадим муҳаббатимни.
Йиртиб отдим, майда-майдалаб,
Тунда йиғлаб ёзган хатимни.

Ҳаё устун келди ҳамиша,
Ҳеч ким билмас сизни севишим.
Барчиндайин ориятпеша,
Сиз деб мумкин баҳтдан кечишим.

Ҳаё устун келди ҳамиша,
Дил амрини бузолмагайман.
Ҳатто тушда фаришта бўлиб,
Эркалаб кўз сузолмагайман...

СҮЙГАН АЁЛ

Мен шод пайтим сен гўзалим хомушмидинг,
 Қанотлари қайрилмаган бир қушмидинг,
 Мен Отабек, сен Зайнаб ё Кумушмидинг,
 Мен севгингни билмагандим суйган аёл,
 Мени ўйлаб, ишқ ўтида куйган аёл.

Бир жон билан яшар бўлдинг ёлғиз онинг,
 Мұҳаббатдан яралгандир қирқта жонинг,
 Ишқ диёри бўлди сенинг гул маконинг,
 Мен севгингдан кулмагандим суйган аёл,
 Мени ўйлаб, ишқ ўтида куйган аёл.

Гоҳо сенинг кўнглингни шод этар эдим,
 Гоҳо сени ёлғиз ташлаб кетар эдим,
 Олов кўнглим куйиб мактуб битар эдим,
 Мени кечир, мени жондан суйган аёл,
 Мени ўйлаб, ишқ ўтида куйган аёл.

Тақдир азал, ўзи шундай қийноғи кўп,
 Кўкрагингга сиғмай юрак ўйноғи кўп,
 Мендан бўлак ошиқларинг саноги кўп,
 Мени ўйлаб, мени жондан суйган аёл,
 Мени кечир, ишқ куйида куйган аёл.

МАЙСА

Ой осмонда сочини ёйса,
Оху нигоҳ кўзлар жилмайса.
Ялпизнимас, сени қўмсайман,
Кўқдалада кўкарган майса.

Юлдуз юзин гулобга чайса,
Кийик кўзин шаробга чайса.
Шаробнимас, сени қўмсайман,
Кўқдалада кўкарган майса.

Мен суйганим қовоғин уйса,
Юраккинам ўтларда куйса.
Оловнимас, сени ўйлайман,
Кўқдалада кўкарган майса.

Кўклам келса кўкларга қараб,
Мажнунтолнинг сочини тараб.
Ҳар баҳорда сени эслайман,
Кўқдалада кўкарган майса.

Қорачиққа қадалса найза,
Олов нигоҳ кўзлар жилмайса.
Кўзларнимас, сени қўмсайман,
Кўқдалада кўкарган майса.

КҮҚДАЛА

Күқдалада униб ўссин болаларим,
Қалбда мужгон уриб турса нолаларим.
Баҳор чоғи очилган гул-лолаларим,
Күқдалага меҳрим бўлак, Күқдалага.

Худойим бол қўшган тотли сумалакдай,
Мўъжизакор хотиротли камалакдай.
Парвоз талаб, қирқ қанотли капалакдай,
Күқдалага меҳрим бўлак, Күқдалага.

Кўзларимни яшнатади ялпизлари,
Яйловларда қолиб кетган той излари.
Жон олади бодомқовоқ ой қизлари,
Күқдалага меҳрим бўлак, Күқдалага.

Нон пишади тандирининг ўтларига,
Тил ёрилар, татиб кўрсанг тутларига.
Қашқир ҳам teng бўлолмайди итларига,
Кўқдалага меҳрим бўлак, Кўқдалага.

Кўқдалани билар кўкнинг юлдузлари,
Янтоғининг сувга етган илдизлари.
Жаннатмакон бу ўлканинг ҳур қизлари,
Кўқдалага меҳрим бўлак, Кўқдалага.

От ўйнатиб улоқ чопар чавандози,
Тилин билсанг, тилга киргай сурнай-сози.
Яшар бунда гўзалларнинг энг таннози,
Кўқдалага меҳрим бўлак, Кўқдалага.

Кўқдала бу — киндик қоним томган макон,
Бинафшаранг нур зиёга чўмган макон.
Кўқдала бу Дониёр Мирзо унган макон,
Кўқдалага меҳрим бўлак, Кўқдалага.

ЭРКАМ

Ялпизларнинг япроғи бўлиб,
Сочларингнинг титроғи бўлиб,
Ховучингга сув каби тўлиб,
Юзланингни силайман эркам,
Нозланмагин нозли маликам.

Қўлларингдан ушлатмасанг ҳам,
Кулоғингдан тишлатмасанг ҳам,
Асли дунё экан-да бир кам,
Юзланингни силайман эркам,
Ноз қилмагин нозли маликам.

Юзларингни тўсса ҳам парда,
Тил учида қилсанг ҳам зарда,
Сабо бўлиб, эрта саҳарда,
Юзланингни силайман эркам,
Нозланмагин нозли маликам.

Гул чеҳрангни лабларим билан,
Гарчи нозик таъбларим билан,
Дилни эзив ёр-ёру, ўлан,
Юзланингни силайман эркам,
Нозланма кўп нозли маликам.

ҚИЗИНГИЗ БҮЛСИН

Дарвозадан келсангиз кириб,
Келин юрса ҳовли супуриб,
Сүңг чой тутса ўрнидан туриб,
Шириң қалом сўзингиз бўлсин,
Келин эмас, қизингиз бўлсин.

Бу ташвишлар ўтгайдир бари,
Ёнингиздан кетмайди нари,
Гўзал қизлар ичра дилбари,
Ортда қолар изингиз бўлсин,
Келин эмас, қизингиз бўлсин.

Сезмайсиз, ёз-қишиингизни,
Кўлдан олар ишингизни,
Ўнгга йўйиб тушинигизни,
Қалам қошу кўзингиз бўлсин,
Келин эмас, қизингиз бўлсин.

Тинмас, бекор туришни билмас,
Сизсиз ёлғиз юришни билмас,
Аразлаб юз буришни билмас,
Сизнинг худди ўзингиз бўлсин,
Келин эмас, қизингиз бўлсин.

Ёкингизда ёнтаёғингиз,
Жонингизда жонтаёғингиз,
Ўнг қўл, ҳатто ўнг оёғингиз,
Ойдай ёруғ юзингиз бўлсин,
Келин эмас, қизингиз бўлсин.

Ўтирганда ўпоқ бўлмасин,
Турганда ҳеч сўпоқ бўлмасин,
Умри хазон япроқ бўлмасин,
Шириң забон сўзингиз бўлсин,
Келин эмас, қизингиз бўлсин.

Меҳмон келса меҳмонларга ҳам,
 Ҳатто уйда мезбонларга ҳам,
 Мирзодайин ёмонларга ҳам,
 Уйда «жизу бизингиз» бўлсин,
 Келин эмас, қизингиз бўлсин.

ЛАФЗ

Заррин нурларини қизғанди Қуёш,
 Ой ботмоқ истади, топмади бардоп.
 Чечаклар илинжисиз ҳорғин ялангбош,
 Ноҳақ сўз шеъримда айтмагайдирман.
 Лафз этиб, лафзимдан қайтмагайдирман.

Йигитлик фурурим эгилмас асло,
 Отамнинг ўгити кўзларимда жо.
 Митти юрагимда мужассам дунё,
 Мақсадсиз ҳеч бир сўз айтмагайдирман.
 Айтдимми, сўзимдан қайтмагайдирман.

Отам дер, сув қўйса гуллар саксовул,
 Юрт кўркам бўладир, яшнагай овул.
 Ўғлим, камарбастам доимо соғ бўл,
 Ҳеч сўзни ножоиз айтмагайдирман.
 Лафз этиб, лафзимдан қайтмагайдирман.

ТҮРТЛИКЛАР

1

Сизни севдим дея гулдаста тутсам,
 Сиз кетдингиз, жоним, гулни қучоқлаб.
 Юрагим қип-қизил, қонта беланди...
 Юрагимни севги кетди пичоқлаб!

2

Севигига бардошсиз бизларнинг юрак,
 Юрсак юрибмиз-да биз, бирга-бирга...
 Айтинг-чи, биз кимга, кимга ҳам керак?
 Пойгакда турсак ҳам, ўт, демас түрга!

3

Кўҳна тарих ўтибдир, сенек гўзал бўлмаган,
 Ой минг бора кулибдир, бир бор сенек кулмаган.
 Битта инсон қолибдир, кимлигингни билмаган,
 Ул нотовон мендирман, ишқ ўтида ўлмаган.

4

Қадимий қалъадан тутун чиқса гар,
 Жомий масжидидан ўтин чиқса гар,
 Лайллатул аёзга юпун чиқса гар.
 Чора тополмаслар бунга одамлар...

5

Ҳар нарсага қодир Аллоҳим
 Менинг дилим қондира олмас.
 Ёндирса ҳам дўзаҳда таним,
 Юрагимни ёндира олмас!

6

Юрагимда ёнган орзулар
 Армонларга айланиб кетди.
 Кўксим узра қадалган тиғлар
 Лаҳза ўтмай товона етди.

7

Кечалари бешик тебратиб,
Дадаси, деб туртиб уйғотиб,
Мени ўйлаб хаёлга ботиб,
Үтирган ул фариштам қани?!

8

Құл деган қалтироқ қанотларим бор,
Чора йўқ пинҳона учишдан бошқа.
Чуқурроқ англагин сўзимни, Дилдор,
Яланғоч дарахтни қучишдан бошқа.

9

Ёзмасам-ёзмабман Сизга атаб, шеър,
Мен Бобур эмасман ёки Алишер.
Ёхуд саҳросевар Мажнун ҳам эмас,
Мени жунунсифат Дониёр Мирзо, дер...

10

Ёр узмагил нигоҳларингни,
Мен боқолмам кўзларим оғрир.
Сенинг жоду кўзларингга, чин,
Боқмоғлигим нақадар оғир.

11

Деразадан кузатгум обдон,
Йўлда турган қизнинг жамолин.
Сиз қайдан ҳам билурсиз ахир,
Ошиқ бўлмай, ошиқлик ҳолин.

12

Дилда фироқ ўқинч ноламдан,
Фарид танда бўзлайди юрак.
Кўксим узра ўсган боламдан,
Энди менга ўзга не керак.



13

Сиз анвойи гулдай ҳуснкор,
Қоматингиз ўсмали қошдек.
Ишқ бобида ошиқлари хор,
Кўринасиз жуда юввошдек.

14

Ўзимни ўхшатдим адабиётга,
Варофим бурдалаб, кимдир отдилар.
Мени қиёс этиб, кимдир ҳаётга,
Тонггача ухламай, ўқиб ётдилар...

15

Ҳамма пишиқ, ҳамма тадбиркор,
Мен юз йиллар ўлмай севаман.
Ким мұхаббат бизнесин, қиласар,
Мен ҳеч фойда кўрмай севаман.

16

Наҳотки арзимайман,
Севишга, севилишга.
Қачон бўлса тайёрман,
Ўрнингизга ўлишга...

17

Менинг соддагинам, менинг мағрурим,
Кўксимда порлаган, сўнмас фурурим.
Кўнглимдаги гавҳар, дилда сурурим,
Сенсиз яшолмайман, сенсиз яшолмам.

18

Йилларни йўргаклаб берибман,
Энг содда фаслнинг қўлига.
Сўнгги бор тентираб юрибман,
Ҳаётнинг тиконли йўлида.

19

Тасқара дунёning этаги йиртиқ,
Ҳаётнинг ҳайҳотдай лаблари тиртиқ.
Мени кўрмоқ истасанг агар,
Боғлардан гул териб йўлларимга чиқ.

20

Майдин оп ичинг дўстлар,
Май била кўнгил очилур.
Дилда не сир зоҳир эрса,
Заррасиз бари сочилур.

21

Столинг бўлса гар ароқли,
Гаштагинг зўр ўтар мароқли.
Ароқдан яхши дўст топмадим.
Ароқдай «дўстликка» яроқли...

22

Шаробдин бисёр ичиб,
Кимнидир ҳоли хароб.
Сўнг юрак армон қучиб,
Орзулар бўлди сароб.

23

Сил қилди елларнинг эпкини,
Кўп едим дадамдан тепкини.
Ҳалиям кетмалти юзидан,
Хув... ана юлдузнинг сепкили.

24

Қошларига ўсма керакмас,
Кўзларига сурма ножоиз.
Мени мендай севишни билмас,
Ёшлигимда севиб қолган қиз.

25

Ишқнинг оғир дардини,
Мени кўргач туйгансиз.
Тунда фақат эркалаб,
Тонгда қовоқ уйгансиз.

26

Аёзниңг пинжидан эсган изғирин,
Ҳамал саратоннинг англамас, сирин.
Йиллар кечаверар ҳаёт қўйнида,
Кунлар ўтаверар қувиб, бир-бирин.

27

Мустабиднинг бўғиқ хитобин,
Тинглаб сўнгра нома йўлладим.
Яхши дея ёзган китобин...
Носфурушга базўр пулладим.

28

Юрагим сукуттоҳ, юрагим ўчоқ,
Унда олов ёнар, унда сўнади.
Оҳунинг милтироқ кўзлари каби,
Фақат ўлсамгина, тафти сўнади.

29

Энг навқирон йигит эдим ўшанда,
Бўлиб қолдим, бир кечада мен майиб.
Носкаш ёки эмас, эдим кашанда,
Қарилардай борар эдим мунғайиб.

30

Бу кун баҳт нурига бурканди чечак,
Ифоридин баҳра олмишдир одам.
Баҳтли куёв бирла, баҳтли келинчак,
Нурли оstonага қўймоқда қадам.

31

Кипригинг ҳўл, кўзларингда нам,
Беруҳ ғунча, тиланчи шабнам.
Чин севги ва садоқат, сабот,
Нигоҳингда бари мужассам.

32

Ювса ҳам кетмагай юракнинг доғи,
Кўнгилнинг титроғи, дилнинг титроғи.
Ёт элмас, ёронлар она юртимнинг,
Кўзимни тўлдирсинг бир кафт тупроғи.

33

Фарид босиб кетди оламни,
Худо ҳам эшитмас ноламни.
Қалби пок, аммо ёш дарёдил,
Мен кимга ишонай боламни.

34

Бу бошимни бир ўлимдан олиб қолдим,
Беҳишт аро бир зулмдан олиб қолдим.
Бир малакнинг уволига қолгандан сўнг,
Ўзим ўқсиб минг хаёлга толиб қолдим.

35

Бевафолик қилса ким,
Беҳиштда ҳам бўлғай ғарид.
Ўзга ёрнинг қучогида,
Куяр дили сарғайиб.

36

Аҳмоқ ўзин мақтайди, дерлар,
Деманг, сизга мақтансам сира.
Бахш этганим сизга деб шеърлар,
Шеърим суюк, ўзимдан кўра.

37

Сирларимни самоларга сотиб кетди,
Куйларимни наволарга сотиб кетди.
Юрагимда ўн саккиз минг наволарим,
Қуёшгинам уфқларга ботиб кетди.

38

Гар шўъласи бўлмас эрса,
Тош надир, гавҳар надир.
Ҳар неки бисёр экан,
Бўлмағай унда қадр...

39

Бу дунёда кўнгил қулиmas,
Сохта шоир кирдикори кўп.
Ёзгани ҳеч тийинга ярамас,
Шайтонларнинг мардикори кўп.

40

Шарқдан эсар Шимолга,
Майин эсан шамолинг.
Бошга қўниб баҳт қуши,
Чирой очди жамолинг.

41

Она қишлоқ, эски тор кўча,
Лочинлари тоғ оралаган.
Эҳ нотавон ўша зумраша...
Юрагимни кўп яралаган.

42

Ҳисларим жўш урди қалбимда ёниб,
Настарин чечаклар гуллади унда.
Кўнглим турён урди баҳор уйғониб,
Шабнамга юз чайди далалар тунда.

43

Қүёш ботар бўзариб, Ой чиқади ним қия,
 Кундузни тамом айлаб, кечни этар ҳадя.
 Қүёш бир кун кечикса қилмишидир ножӯя,
 Ой ўн беш кун дам олар, қуёшнинг кўнгли қолар.

44

Эй, биродар асло гўзал кўнглини ранжитмагил,
 Дилга дарз кетса магар билгил ани ямаб бўлмас.
 Ҳаста дилму синиқ кўнгил, дея сўнг қон ютмагил,
 Минг урин бир бор ани ҳеч кулбага қамаб бўлмас.

45

Жоним сен қаромас, бир мен қароман,
 Осмонда Ой эмас, юлдуз ароман.
 Сени севдим, дея дардим айтольмай,
 Дардин ичга ютган баҳти қароман.

46

Муҳаббат қуёши қиздиргил мени,
 Севги саҳросидан суздиргил мени.
 Кўнгил кўчасидан, бир бора ўтсан,
 Эй, гулим ўлдиргил, ўлдиргил мени.

47

Кўқдалам, кўм-кўк далам,
 Севганим қилмас алам.
 Қишлоғимни ёз дея,
 Қўлимга тутдинг қалам...

48

Урганинг устига тепган бўлдимми,
 Илондек заҳарин, сепган бўлдимми.
 Сиз қолиб ўзгани, ўпган бўлдимми,
 Эй, менинг замондош-сирдош қизларим.

49

Журналист ҳам адашар ахён-ахёнда,
Лекин адашгани жуда ёмон-да.
Хақ сўзи инсонни ҳақлилка чорлар,
Бир бор адашгани мингни заҳарлар.

50

Гўё сахий отамнинг,
Ёқасига ямоқмиз.
Уйда олти ўғлон ҳам,
Бирдек, текин-тамоқмиз...

51

Онанинг қадрига бола етмайди,
Онанинг қалбидан бола кетмайди.
Онаси боладан айро тушса гар,
Боласиз бир кун ҳам куни ўтмайди.

52

Хатим етиб бордими, йўқми,
Тўлиқ ёзилмаган манзилингизга.
Ҳавасим келади жудаям...
Белингизни қучган камзулингизга.

53

Бугун недан умидвор башар,
Ҳали-ҳануз фифони ошар.
Толбешикдан тобутга қадар,
Дилга сиғмай илҳомим тошар.

54

Метин иродамни кемирмоқда ғам,
Андуҳлар шу онда топсайди барҳам.
Наҳотки, мендайин ғариб бошида,
Шодлигу, ғам-алам, бари мужассам.

БАХТ БЕШИГИ

Бахт бешиги Қашқадарёдир,
 Ёғдулари күзга зиёдир.
 Алпомишу буюк Темурдек,
 Фарзанларинг қўрқмас баҳодир.

Кўкка туташ минор тоғларинг,
 Ҳар баҳорда кўклам боғларинг.
 Сенинг қайноқ бағрингда учиб,
 Нола ғилар бўлса зоғларинг.

Ватан, ўзинг останамизсан,
 Ватан, ўзинг бошпанамизсан,
 Барчага teng меҳрини берган,
 Ватан, ўзинг ҳам онамизсан.

Эзгулик-ла мунааввар олам,
 Севинг тўла кўзларимда нам.
 Сенинг ҳурлик нигоҳларингдан,
 Ҳатто кўкда сайёralар жам.

Қадрингни биз англаган сари,
 Диљдан губор кетгайдир нари.
 Ўпид ҳурлик байроқларингни,
 Бўлдик биз ҳам олам сарвари.

ДУЭТ

Йигит: Нозиккинам нозланиб,
Қора сочинг урасан.
Товус каби товланиб,
Минг хил тусга кирасан.

Қиз: Шалоланинг сози бўлар,
Қиз боланинг нози бўлар.
Йигит ҳам чин дилдан севса,
Қиз бола ҳам рози бўлар.

Қиз: Ака дейман, хўп дейман,
Ноз-аразим, кўп дейман.
Қадам юрсам изимда,
Йигитлар тўп-тўп, дейман.

Йигит: Ака дейсан, хўп дейсан,
Соғиндима, кўп дейсан.
Тутиб лаълу-лабингни,
Яна бир бор, ўп дейсан.

Қиз: Кечирасиз жоним ака,
Сира ундоқ демадим.
Ҳали ҳатто сиз билан,
Музқаймоқ ҳам емадим.

Йигит: Эркалаб ҳам қўясан,
Гоҳ қавоғинг уясан,
Араз қилиб, ноз қилиб,
Ишқ ўтида куясан.

Йигит: Ўн саккизда чамаси,
Билолмадим ёшини.
Қайси пулдор, бой йигит...
Айлантириди бошингни.

Қиз: Ака аввал оғзингизни,
Бир яхшилаб ёпиб олинг.
Гап ёқмаса, катта күча,
Бошқасини топиб олинг...

ДУЭТ

Йигит: Ўша оқшомдир сабаб,
Келолмайман хушимга.
Тонггача сен эркалаб,
Кирган эдинг тушимга.

Қиз: Дилемда сўнмас баҳор,
Қалбимдадир ифтиҳор.
Юрагимни оч, мана,
Унда фақат ўзинг бор.

Йигит: Кўнгилдаги бу сирни,
Сира айтиб бўлмайди.
Гулим сени шунчаки,
Севиш ўзи бўлмайди.

Қиз: Битта гапир, эй йигит,
Лек сўзингдан қайтмагил.
Менга айттил сирингни,
Бошқасига айттил.

Йигит: Олгин, мана, ол, гулим,
Қора сочи сунбулим.
Сен билан гўзал ҳаёт,
Яйрасин куйган дилим.

Қиз: Сенинг юрагинг гулзор,
Гулларидан терганман.
Бу дунёда мен фақат,
Сенга кўнгил берганман.

«КАЗАЧКА» ҚИЗ

Үтар здим құшни қишлоқ йүлкасидан,
Бир қыз күрдим сочи келар елкасидан.
Билсам экан, құшни Қозоқ үлкасидан,
Бир күришіда севиб қолдим үшал қизни.

Қозоқ эмас, ўзбеклардай содда улар,
Фақат үша қызгинадан күнгил тұлар.
Она, унинг «Шеши»сига нима бўлар,
Олиб бера қолинг менга үшал қизни.

Қозоқларда удум шундай олиб қочар,
Эрта тонгда «брат»лари сирни очар.
Тўй-тўполон дея, тилло танга сочар,
Олиб бера қолинг менга үшал қизни.

Кўқда чақнаб нур сочади митти юлдуз,
Безовтаман, ором йўқдир, кеча-кундуз.
Ховлингизни супуради «казачка» қиз...
Олиб бера қолинг менга үшал қизни.

КЕТМАГАЙ

Юрак тўла бўлса ғам,
Оппоқ тонг ҳеч отмагай.
Ҳатто эрка оҳу ҳам
Торда ёлғиз ётмагай.

Сени ўйлаб хаёлга
Толсам Қуёш ботмагай.
Танҳо қолган кезларим,
Кундузим ҳам ўтмагай.

Ногоҳ йўлда қоқилсанг,
Ҳеч ким қўлдан тутмагай.
Сенга ташна бу кўнгил
Сенсиз куним ўтмагай.

Чала қолди ишларим,
Сира ками битмагай.
Сенинг мунгли кўзларинг
Кўз ўнгимдан кетмагай.

ЛАБ БҮЁҚ

Ой тутилган оқшомда,
Чап күзингта нур бўлай.
Маллами ё мовийроқ,
Ўнг кўзингдан ўргилай.

Чўғдай қизил белбоинг,
Белингни қучиб турар.
Ўнта нозик бармоинг,
Қизғалдоққа ўптирап.

Бўёқталаб сочингни,
Ой таарди тароқсиз.
Кеча кесиб ташлабсан,
Сочларингни сўроқсиз.

Белингдан бир қучишга,
Рости — жуда зорман-да.
Битта ўпид лабингдан,
Бўлдим роса шарманда...

Билмайн босиб олдим,
Кеча тунда оёфинг.
Ёкамга тегиб қопти,
Қип-қизил, лаббўёғинг...

Энди ошиқ Мирзоинг,
Икки ўт ичра қолди.
Лабингдан бир ўпганим
Хотиним билиб қолди.

ЁЛФОН МУҲАББАТ

Энди бўлди:
Севолмайман, бас!
Муҳаббатни қилгандим ҳавас.
Юрагимни тимдалаган хас –
Ёлғон севги, ёлғон муҳаббат.

Бир кўрдиму ақлимни олди,
Кечалари тинчим йўқолди.
Юрагимга рулғула солди –
Ёлғон севги, ёлғон муҳаббат.

Билмам кимни сарсон қиласи,
Юрагимни минг бор тилади.
Нима қиласа, ўзи билади...
Ёлғон севги, ёлғон муҳаббат.

Ё юракда йиғлайди созим.
Ёки тонгда янграр овозим.
Синиқ қалам, йиртиқ қоғозим –
Ёлғон севги, ёлғон муҳаббат.

Ошиқ юрак, ошиқ дил қани,
Қани юрак, қани гул қани?!
Ё шунчалар севдимми, сани –
Ёлғон севги, ёлғон муҳаббат.

Энди бўлди:
Севолмайман, бас!
Муҳаббатни қилмайман ҳавас.
Юрагимни тимдалаган хас –
Ёлғон севги,
Ёлғон муҳаббат!

МУНДАРИЖА

Жаннат элим.....	3	Rўшнолиг.....	23
Улан.....	4	Айланмасайди.....	24
Ҳаёт бўлсалар.....	5	Олажон.....	25
Эркатой.....	6	Рашқ.....	26
Алвидо.....	7	Мода.....	27
Видодошим.....	7	Сўққабош	27
Танбур.....	8	Кундошлар.....	28
Шева.....	8	Бир қиз йиглайди.....	29
Юрак.....	10	Ёр-ёр.....	30
Шалола.....	11	Бахт қуши.....	30
Бинафша.....	12	Пулим йўқ эди.....	31
Фусункор.....	13	Самон йўли.....	31
Тафаккур.....	13	Тил заҳри.....	32
Афсона.....	14	Сокин шамол.....	33
Шукронা.....	15	Қайдан излайин.....	33
Бой куёв.....	16	Шеърият.....	34
Чикқан қиз.....	16	Дил сўз.....	35
Дўст бўлолмайди.....	17	Арзанда қиз.....	36
Соч.....	17	Дуркиллаган шафтоли.....	37
Дўхтири.....	18	Тонг сабоси.....	37
Үқи болам.....	19	Ясанибсиз.....	38
Қўрқаман.....	20	Оқлик ва қоралик.....	38
Онажон.....	21	Нидо.....	39
Сурмали қиз.....	22	АЗоб.....	40
Мерос.....	22	Дил изҳори.....	40
Қашқадарё.....	23		

АРАЗЛАМАНГ

Устозлар.....	42	Нетай дилдор.....	49
Нозанин.....	42	Аразингиз.....	50
Ноз этар.....	43	Юрт ишқи.....	51
Нетай.....	44	Жонимсан-жаҳоним.....	52
Жайрон.....	44	Хофиз.....	52
Кийик кўз.....	45	Жон синглим.....	53
Ёввойи жийда.....	45	Келинчак.....	53
Мен кетсам.....	46	Волиданг.....	54
Кегаман деб.....	47	Балли дейман.....	55
Дўст.....	48	Умр савдоси.....	55

Халқим.....	56	Ингладим.....	67
Гүзаллар.....	56	Хотира.....	68
Дилдоргинам.....	57	Оқ рўмол.....	70
Бемор.....	57	Янгалар.....	70
Истиқлол.....	58	Юракка ўт солган ёр.....	71
Тўй.....	59	Гўзал ёр.....	72
Сабр.....	59	Интизор.....	72
Лаҳзалар.....	60	Отажон.....	73
Бир нафас.....	60	Завол.....	74
Ҳеч айтмайди.....	61	Ота қадри.....	75
Илтижо.....	62	Шифокорлар.....	76
Туроним.....	63	Аждодлар руҳи.....	76
Тун.....	63	Қиёмат.....	77
Дилижон.....	64	Виждан азоби.....	78
Ҳилол.....	64	Ўглимга.....	78
Зор йиглатди.....	65	Маликам.....	79
Одам Ато.....	66	Зор бўламан.....	80

ЁЛГОН МУҲАББАТ

Ҳақиқат кўзгуси.....	82	Қизларжон.....	99
Қадр.....	82	Қирқ ёшгача.....	100
Атиргул.....	83	Фироқ.....	100
Видо.....	84	Ишон ёр.....	101
Ўкинч.....	85	Азизам.....	102
Тақдир.....	86	Шоир эмас.....	102
Бахтли бўл.....	87	Айттолмадим.....	103
Айби йўқ.....	88	Суйган аёл.....	104
Ўч бўлма.....	89	Майса.....	105
Ўлгим келмаянти.....	90	Кўкдала.....	106
Ёғду.....	90	Эркам.....	107
Эҳсон.....	91	Қизингиз бўлсин.....	108
Ака.....	92	Лафз.....	109
Мажнунтол.....	92	Тўртликлар.....	110
Багишлов.....	93	Бахт бешиги.....	119
Янги йил.....	94	Дузт.....	120
Лабларингиз.....	94	Дузт.....	121
Ҳумой.....	95	"Казачка" қиз.....	122
Қор қўшиғи.....	96	Кетмагай.....	123
Нон азиз.....	97	Лаб бўёқ.....	124
Аскар мадҳияси.....	98	Ёлғон муҳаббат.....	125
Шамоллар.....	98		

Адабий-бадиий нашр

ДОНИЁР МИРЭО

БАХТ БЕШИГИ

шөврлар

Муҳаррир
С.АШУР

Бадиий муҳаррир
Б.БОЗОРОВ

Мусаҳдиҳ
Ф.МИРЗАЕВА

Тех.муҳаррир
В.ДЕМЧЕНКО

Саҳифаловчи
А.ЮСУПОВ

Босишига 9.01. 2007 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоги 4,0. Шартли босма тобоги 6,72.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 281

Баҳоси келишилган нархда.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.